Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

7 август 1971 йил, шанба ◆ № 180 (15.050). ◆ Баҳоси 2 тийин.

Янгийўл районидаги Назарали Ниёзов номли колхоз пахтакорлари 2300 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш учун курашмоқдалар. Ҳар бир тупдаги 10.15 тадан ошиқ бўлиқ кўсак мўл ҳосилдан нишона бериб турибди. Суратда илғор бригада бошлиғи В. Маматқулов ва моҳир сувчи А. Абдиқулов ўртоқларни кўриб турибсиз.

Қ. Розиқов фотоси (ЎзТАГ).

МУСТАҲКАМ ЕМ-ХАШАК БАЗАСИНИ ЯРАТАМИЗ

ЯЙЛОВЛАР — БОЙЛИГИМИЗ

Биз — чўпонлармиз. Шу боисдан ҳам чорвачиликни ривожлантириш ва маҳсулдорлигини ошириш учун қандай ишлар қилаётганлигимиз тўғрисида гапириб ўтмоқчимиз.

Халқимизнинг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талаби ортиб бораётгани сари ана шу маҳсулотларнинг мўл-кўл бўлишини таъминлаш яйлов баҳодирлари деб ном олган чўпончиликларнинг асосий бурчи бўлиб қолди. Гўшт, сут, ёг, қорақўл терини кўпайтириш бизнинг ҳимматимизга боғлиқ экан, демак, яйловлардан оқилона фойдаланишга тўғри келади. Негаки, мўл-кўл маҳсулот етиштиришнинг бирдан-бир манбаи ҳам бепоён яйловлар ва улар сийнасида ўсадиган хилма-хил ўт-ўланлардир.

Халқимизда «Озуқли от ҳоримас», деган нақл бор. Чорва моллар учун ем-хашак сероб бўлса маҳсулотини аямайди. Шуни эътиборга олиб, биз кўпинча яйловларни зоналарга бўлиб қўй боқамиз ва табиий ҳолатини яхшилаб борамиз. Бу эса ўзининг дуруст самараларини бераётир.

Ҳаммага маълумки, бу йил баҳор анча қуруқ келди. Кўпгина яйловларда ўт кам бўлди. Шуни эътиборга олиб ҳар бир чорвадор моллар учун кишга етиб ортадиган миқдорда ем-хашак жамғаришга даъват этилгандир. Биз қўй боқаётган яйловларда ёғингарчилик кам бўлишига қарамай, турли-туман ўт-ўланлар яхши ўсди. Айниқса Деҳқонобод тоғ ёнбағирлари майсага тўшалиб қолди. Бу бизга икки масалани муваффақиятли ҳал этишга имконият туғдирди. Биринчидан, қўзиларнинг кампаниясини муваффақиятли ўтказган бўлсак, иккинчидан, қўйлар учун озуқа базасини мустаҳкамлашга, чунончи, каттакатта майдонларга арпа, сули, маккажўхори экиб, юқори ҳосил олишга муваффак бўлдик.

Иккаламиз икки хўжаликда қўй боқаётган бўлсак-да, бир-биримизнинг ишимиздан ҳамиша хабардормиз. Ютуқларимизни мудом баҳам кўрамиз, борди-келди қилиб турамиз, илғорлардан, бир-биримиздан ўрганамиз, бир-биримизга ўргатамиз. Социалистик мусобақанинг кучи ҳам аҳиллиқда, жипслиқда, бамаслаҳат иш кўришдадир.

Муваффақиятларимиз баббаравар, десак бўлади. Ҳар биримизнинг отаримизда 600-650 бош совлиқ бор. Ҳар 100 бош совлиқдан 200-210 тадан соғлом қўзи олдик. Энг қувончлиси шундаки, ургочи қўзиларнинг 85-90 проценти ўстиришга қолдирилди. Бу — қўйлар янада кўпаяди, гўшт, жун, қорақўл тери тағин ҳам ортади, дегани. Бу йил ҳам давлатга қорақўл тери етказиб бериш планини муддатидан илгари ado этдик. Қорақўл териларнинг 90-95 проценти биринчи сортларга қабул қилинди. Чиқимга йўл қўймадик, бирор бош ҳам қўй-қўзи нобуд бўлмади. Ҳар бош қўйдан 4 килограммдан жун қирқиб олишга ваъда берган эдик. Биринчи қирқимдаёқ бунинг ярмидан кўпроғини уддалаб қўйдик. Давлат планини кузги жун қирқими пайтида ниҳоясига етказамиз.

Планларни бажардик, деб хотиржамланиб бўлмайди, ҳар бир касб этасидек, чўпоннинг ҳам ташвиши бор. Бизнинг назаримизда бу ташвиш ҳаммадан кўпроқ қўйчивонларда бўлса керак: Нега десангиз, биринчидан урчитиш кампанияси яқинлашиб келаётган бўлса, иккинчидан, қиш-қировли кунлар ҳам узоқ эмас. Совлиқлардан кўплаб қўзи оламан, уларнинг нобуд бўлишига йўл қўймайман, деган чорвадор ана шу икки муҳим кампанияга ҳар тарафлама пухта тайёргарлик кўрмоғи керак. Биз худди шундай қилаётирмиз. Бизнинг қулай дамларидан режали фойдаланиб, ҳашак тўплаш ва уни ғарамлашга бутун кучни сафарбар этганмиз. Ҳозиргача ҳар бош қўй учун қишга 3-4 центнердан дағал хашак тайёрлаб қўйдик. Бу бемалол етиб ортади. Бундан ташқари ҳар бош совлиқ ҳисобига 35-40 килограммдан аралаш озуқа ҳозирлаганмиз. Ем-хашак ва бошқа озуқалар қўйлар қишлайдиган жойларга ташиб олинди. Бизда ҳар бир грамм аралаш озуқа, ҳар бир тутам хашак ҳисоб-китобли.

Шу кунларда қўйларимиз Деҳқонобод тоғлари этагидаги серўт жойларда боқиляпти. Барча далаларни алоҳида-алоҳида зоналарга бўлиб чиққанмиз. Бундай зоналар тўртта. Биринчи ва иккинчи зонадан қўйлар қолган зоналарга кўчирилиб, тағин қайтариб олиб келингунча ўт-ўланлар аввалгисидек яхши ўсиб қолади. Бу — биринчидан, яйловлардан самарали фойдаланиш имкониятини берса, иккинчидан, тўйимли ўтларнинг нобуд бўлишига йўл қўймайди. Шундай қилиб, сурувдаги қўйларимиз қорасовуқ тушганга қадар тоғ этакларида боқилади.

Ориқ қўйлар ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилмоқдамиз. Бундай қўй ва қўзилар бўрдоқига боқиляпти. Ҳар бирининг тирик вазни 50-55 килограммга етказилиб, давлатга топширилади. Гўшт сотиш йиллик планини ориқ қўйларни семиртириб боқиш ҳисобига бажаришга аҳд қилганмиз. Бу сўзимизнинг ҳам устидан чиқамиз.

Янги беш йилликнинг дастлабки босқичида қўлга киритган ютуқларимиз ҳозирча ана шулардан иборат. Лекин биз янада юксак марраларни кўзлаб меҳнат қиляпмиз. Мақсадимиз — келгуси йили баҳорда ҳам 100 бош совлиқ ҳисобига 220 тадан соғлом қўзи олиш ва урғочи қўзиларнинг камида 90 процентини ўстиришга қолдиришдан иборатдир. Бунинг учун ҳозирдан тайёргарлик кўриб, бир қатор тадбирларни амалга оширaётирмиз. Чунончи, барча қўй ва қўзилар зоотехника кўригидан ўтказилди. Ориқ қўйлар алоҳида парвариш қилинмоқда. Айни вақтда урчитиш кампаниясини максадга мувофиқ равишда ўтказиш учун махсус жойлар ҳозирланяпти. Совлиқларнинг кўпчилиги СЖК (бўғоз биялар сиворoткаси) препаратлари орқали урчитилади. Шунга кўра зарур препаратлар келтирилади. бу ишга махсус кишилар биркитиб қўйилади. Бу муҳим иш устидан ферма зоотехниклари билан бирга ўзимиз назорат ўрнатамиз.

Баъзилар СЖК препарати қўлланилган тақдирда қўзилар кичик бўлиб туғилади, бинобарин, қорақўл тери ҳам жуда кичик бўлади, дейишади. Биз бу фикрга мутлақо қўшилмаймиз. СЖК препаратидан оқилона фойдаланилса ва урчитиш кампанияси зооветеринария қоидалари асосида ўз вақтида ўтказилса, бу иш билан тажрибали кишилар шуғулланишса у яхши самара бераётганлигини тажрибада кўриб келяпмиз. Ҳамма гап ана шу муҳим тадбирларни маромида, ишнинг кўзини билиб амалга оширишга боғлиқ.

Шу кунларда қўйлар учун қўшимча ем-хашак жамғариш билан бирга кошарларни ҳам ремонт қиляпкмиз. Бу иш яқин кунлар ичида тугалланади. Бундан ташқари чорвадорларга ғамхўрлик анча яхшиланди. Уй-жойларимиз ремонтдан чиқарилди, зарур миқдорда ёқилғи келтирилди. Ҳар иккала совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти чорвадорларга маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшиладилар. Телевизорларимиз, радиоприёмникларимиз бор. Газета ва журналлар яйловга вақтсоатида келтириб берилмоқда. Маданий-маиший хизматнинг бошқа турларидан ҳам баҳрамандмиз. Шуларнинг ҳаммаси яхши ишлаб, яхши дам олишимизга қулайлик яратаётир.

Шонли партиямизнинг XXIV съезди аҳолига кўпроқ чорвачилик маҳсулотлари етказиб беришни асосий вазифа қилиб қўйди. Кунда зарур бўлган ана шу маҳсулотларни биз ўз қўлимиз, ақл-идрокимиз, куч-ғайратимиз билан яратамиз. Одамларни ҳамиша хурсанд қилиш учун бундан буён ҳам баракали меҳнат қилаверамиз.

Мамат АБДУМУРОДОВ,
Қашқадарё область, Ғузор районидаги «1- Май» колхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

Ҳамид ЭРГАШЕВ,
Шу райондаги «Пачкамар» совхозининг бош чўпони, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.

◆ ◆

Суратда: донгдор чўпонлар (чапдан) Ҳамид Эргашев ва Мамат Абдумуродов.

А. Тўраев фотоси.

СУВЧИ ЎРТОҚЛАР

★ ҒЎЗАЛАРНИ КЕЧА-КУНДУЗ СУҒОРИНГ. ЛЕКИН СУВХУР ҚИЛИБ ҚЎЙМАНГ, ҒОВЛАТИБ ЮБОРМАНГ. СУВНИ ИСРОФ ҚИЛМАНГ.

★ АВГУСТ ОЙИДА ҲАРОРАТ ЮҚОРИ БЎЛИШИНИ ҲИСОБГА ОЛИБ, СУВНИ ТЕЖАБ-ТЕРГАБ САРФЛАНГ.

★ КУЛЬТИВАЦИЯ ЎТКАЗИБ, НАМНИ ТЎЛА САҚЛАБ ҚОЛИШГА ЭРИШИНГ.

—10 августдан кечикмай пахтаси машинада териладиган ерларни ажратишни ниҳоясига етказиш, дефолиация ўтказиладиган жойларни аниқлаш, шу жумладан бир марта ва такрорий дефолиация ўтказиш ҳажмини белгилаб олиш, шунингдек қўлланиладиган дефолиантларнинг турларини аниқлаш, самолётларга бўлган эҳтиёжни белгилаш, аэродромлар тайёрлашни ниҳоясига етказиш зарур.

(ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИДАН).

ПЛАН БАЖАРИЛДИ

КПСС XXIV съезди қарорларида белгиланган ўлкан вазифаларни амалга ошириш учун меҳнат қилаётган Яккабоғ районидаги «Авангард» от заводининг галлакорлари натта муваффақиятни қўлга киритдилар. Завод деҳқонлари йиллик дон тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Давлатга 7.460 тонна ёки гектаридан 6,2 центнердан дон топширилди Айни кунларда хўжаликда дон тайёрлаш ва давлатга сотиш қизғин давом эттирилмоқда. Галла ўримининг қисқа муддатларда тугалланишида Н. Баратов, И. Ярашев, Б. Қурбонов, Х. Жўраев, Т. Тўраев каби моҳир механизаторларнинг хиссаси натта бўлди. Уларнинг ҳар бири мавсумда 350-400 гектар майдоннинг галласини ўриб-янчиб бердилар.

П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЧЕКАНКА ҚИЗҒИН

Тошкент областининг пахтакорлари 142 минг гектардан иборат бутун майдондаги ғўзаларни биринчи чеканка қилишни тугалладилар. 40 минг гектар ёрда бу иш механизмлар ёрдамида бажарилди. Оққўрғон районида эса чеканка машиналари пахтазорларнинг учдан икки кисмида ишлатилди.

Тошкент областининг қишлоқ меҳнатчилари ғўзаларни қайта чеканка қилишга киришдилар.

(ЎзТАГ).

АМУДАРЁ СОҲИЛИДА

ТЕРМИЗ. Сурхондарё области хўжаликлари бу йил Амударё соҳилидаги қайр ерлардан олтмиш минг тонна пичан йиғиштириб олдилар. Бу — белгиланган режадан бир ярим баравар кўпдир. Пичан ўриш ишлари шу кунларда ҳам жадал олиб борилмоқда. Кўм-кўк ўтдан аъло сифатли барра пичан бостирилмоқда.

Амударё соҳилларида бу йил биринчи марта кўплаб пичан ўриб олинмоқда. Область колхоз ва совхозларининг пичан ўриш отрядлари сентябрь ойининг охиригача шу ерда ишлайди. (ЎзТАГ).

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

СУВ ИСРОФ БЎЛМАСИН

Косон районида бу йил сув ҳар қачонгидан ҳам камчил бўлди. Шунга қарамай миришкор деҳқонлар ўзларининг бой тажрибаларини ишга солиб, ғўзаларни қондириб суғормоқдалар, қўпчилик майдонларда зиммага олган социалистик мажбуриятларини қоплайдиган даражада юқори ҳосил тўпланмоқда. Масалан, Ленин номли совхозининг Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Холиёр Даминов бошлиқ бригадасига қарашли майдонлардаги ғўзалар қулф уриб ўсяпти ва юқори ҳосил тўплаяпти. Бригадада ҳар литр сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш чоралари кўриляпти. Сувчиликка тажрибали деҳқонлар қўйилган. Экинни суғориш кеча-кундуз бир меъёрда олиб бориляпти.

Ленин номли колхознинг Ражаб Баҳриева, «Шарқ юлдузи» колхозининг Тошман Ҳасанов бошлиқ бригадаларида ҳам ғўза парвариши агротехника қоидалари асосида олиб бориляпти, суғоришдан кейин етилган ерларда пешма-пеш культивация ўтказилиб, нам тўла сақлаб қолиняпти.

Лекин «Косон» совхозининг айрим бригадалари ва бўлимларида ғўза парваришида бутунлай бошқача манзарани кўриш мумкин. Раҳим Ҳақбердиев бошлиқ бригадага қарашли пайкаллардаги ғўзалар қаровсизликдан қовжираб ётибди. Бригада бошлиғи сув етишмаётганидан нолийди, Ваҳолонки, ажратилган сувнинг ҳар литридан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмаётир. Кечаликка сувчилар кам ажратилган, уларнинг иши устидан назорат олиб борилмайди. Сув кераксиз жойлар, йўллар, зовурларга оқиб ётибди. Бригада бошлиғи бундай ачинарли аҳволни кўра-била туриб, ўзини кўрмаганликка солиб юрибди. Сувчилардан Жуман Сафаров, Ботир Баратовлар ўз вазифасини сидқидилдан бажармай, бўлса-бўлар, бўлмаса ғовлаб кетар зайилида иш тутяпти.

Расул Ҳамдамов, Севар Ғофурова каби бригада бошлиқлари билан суҳбатлашсангиз, улар «ғўзамизнинг ҳолати бултургидан яхши, ҳар қандай шароитда ҳам планни бажарамиз» деб мақтанишади. Тўғри, ғўзалар барқ уриб ўсяпти, шоналар гулга, гуллар кўсакка айланяпти, кўсакларнинг салмоғи ортяпти. Бироқ деҳқончилик тажрибаси шуни кўрсатдики, пахтакор шу кунларда озгина хатога йўл қўйса, серҳосилли ғўзалар камҳосилли ғўзалар даражасига тушиб қолиши, аксинча яхши парвариш қилинса ҳамма ғўзалар серҳосил бўлиб ўсиши мумкин.

Совхозда дала меҳнаткашларининг ҳордиқ чиқаришлари учун етарли шароит яратиб берилмаган. Бу ҳақда кўп ваъдалар берилган бўлсада, амалий иш қилинмаётир. «Косон» совхози раҳбарлари ғўза парваришида рўй бераётган бу камчиликларни тугатиш тадбирларини кўришлари керак.

Ж. ҚОДИРҚУЛОВ,
М. ҲОЛМУРОДОВ.

СИРДАРЁ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

ГУЛИСТОН («Совет Ўзбекистони» мухбири). Сирдарё область партия комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи пленуми якунлари ва КПСС XXIV съезди қарорлари асосида бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада яхшилаш юзасидан область партия ташкилотининг вазифалари ҳақида область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ Қ. А. Аҳмедовнинг доклади тингланди ва муҳокама қилинди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Й. Қурбонов қатнашди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, пленумда бешинчи область партия конференцияси, шаҳар ва район партия конференциялари делегатларининг танқидий фикрлари ва таклифлари бажарилишининг борыши тўғрисида область партия комитетининг партиявий-ташкилий ишлар бўлимининг мудири ўртоқ Е. А. Клемёновнинг ҳам ахбороти тингланди. Пленум кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМСОМОЛИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

КПСС XXIV съезднинг ёшлар ўртасида спорт ва мудофаа-оммавий ишларини кучайтириш тўғрисидаги кўрсатмаларини амалга ошириш учун кураш давомида республика комсомол ташкилотлари кўпгина тадбирларни бошладилар.

Ана шу муҳим ишни ўтказишда бошланғич комсомол ташкилотларининг ролини янада ошириш масалалари Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг 6 августда бўлиб ўтган пленумида муҳокама қилинди. Пленумда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг биринчи секретари Э. Гафуржонов доклад қилди.

Пленум республика комсомолларини ёшлар ўртасидаги ҳарбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия даражасини янада ошириш чақирди.

Пленумда Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг иккинчи секретари В. Б. Арсентьевнинг республика комсомоли XIX съездида айтилган таклифлар қандай бажарилаётганлиги тўғрисидаги ахбороти тингланди. Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети доимий комиссияларининг состави тасдиқланди.

РАСМИЙ ХАБАРЛАР

Л. И. БРЕЖНЕВ ВА Н. В. ПОДГОРНИЙ ЎРТОҚЛАРНИНГ ЎРТОҚ Э. ХОНЕККЕР БИЛАН УЧРАШУВИ

5 август куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев ва КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний Совет Иттифоқида дам олаётган Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Э. Хонеккер билан учрашдилар.

Самимий ўртоқларча вазиятда ўтган суҳбатда Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва Э. Хонеккер КПСС XXIV съезди ва Германия Бирлашган социалистик партияси VIII съезди қарорларининг амалда қандай бажарилаётганлиги тўғрисида бир-бирларига ахборот бердилар, КПСС билан Германия Бирлашган социалистик партияси, СССР билан ГДР ўртасидаги ҳамкорликни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш йўллари тўғрисидаги мулоҳазаларини айтдилар. Шунингдек, халқаро проблемаларга, айниқса Европа хавфсизлигини таъминлаш масалаларига ҳамда бу соҳада Совет Иттифоқи ва Марказий Европадаги суверен социалистик давлат бўлган Германия Демократик Республикаси ўйнаётган ролга катта эътибор берилди. Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорний ва Э. Хонеккер қардош мамлакатлар раҳбар арбобларининг Қримда бўлиб ўтган ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг мустаҳкамланиб бораётган бирлигини намойиш этган дўстона учрашуви муносабати билан мамнун бўлганликларини изҳор этдилар.

Суҳбат давомида муҳокама қилинган ҳамма масалаларга қарашлари батамом бир хил эканлиги яна таъкидланди.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ БИНОКОРЛАРГА МУКОФОТЛАРИ

СССР Министрлар Советининг қурилиш ишлари давлат комитети, СССР Министрлар Советининг фан ва техника давлат комитети ҳамда касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Совети СССР Министрлар Советининг энг яхши лойиҳалар ва шу лойиҳаларга биноан барпо этилган қурилишлар учун тақдим этиладиган 1971 йилги мукофотини беришга қарор қилдилар. Бу мукофотлар КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг қарорига биноан таъсис этилган эди.

Мукофотланган ишлар рўйҳати «Строительная газета»да эълон қилинади. (ТАСС).

«КОСМОС-432» ПАРВОЗДА

1971 йил 5 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-432» учирилди.

Йўлдошга ўрнатилган аппаратлар нормал ишлаб турибди.

Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган ахборотларни ишлаб чиқмоқда. (ТАСС).

ПАРТКОМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таннархини арзонлаштириш, тежамкорлик учун кураш ва меҳнат унумдорлигини оширишни таъминлаш КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи Пленуми қарорларида бошланғич партия ташкилотининг энг муҳим вазифаси экانлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Ғиждувон районидаги пахта тозалаш заводи партия ташкилоти ва унинг секретари Маъсуд Азизов ана шу вазифаларни амалга оширишда ибратли ишларни қилмоқда. Маҳсулот сифати, унинг таннархини арзонлаштириш ва тежамкорлик партия ташкилотининг ҳамиша диққат марказида. Партком партиявий-ташкилий, оммавий-сиёсий ишлар билан бир қаторда ишлаб чиқаришга партия раҳбарлигини янада такомиллаштиришга ҳам жиддий эътибор бераётир.

— Илгари заводда ҳафтада бир марта сифат куни ўтказилар эди. Иш жараёни ва ҳаёт талаби бу етарли эмаслигини кўрсатди. Эндиликда биз ҳар кун, ҳар соат сифат ва тежамкорлик иши билан шуғулланишимиз лозим. Бу масала партком ва ишлаб чиқариш мажлисининг ҳам кун тартибига тез-тез қўйиладиган бўлиб қолди. Социалистик мусобақанинг мазмуни ҳам ана шунга қаратилган, — дейди завод партия ташкилотининг секретари экономист Назиб Мазитов.

Секретарь ҳақ гапни айтди. Коммунистлар йиғилишида сифат ва тежамкорлик масаласи қизғин муҳокама этилиб тегишли қарорлар қабул қилинди. Бу қарорларнинг ижроси учун коллектив тўла сафарбар этилди ва коммунистларнинг авангардлиги оширилди. Шунисн ибратлики, завод партия ташкилоти ҳисобидаги 68 коммунист ва 7 партия аъзолигига кандидатнинг ҳаммаси ҳам сифат ва тежамкорлик билан бевосита шуғулланади. Бу соҳада ҳар бир коммунистга аниқ топшириқ берилган.

Белгиланган тадбирлар самарали натижа берди. Заводда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ярим йиллик плани муддатидан илгари 18 июндаёқ бажарилди. Планда белгиланган 24 минг 840 тонна ўрнига 26 минг 850 тонна тола ишлаб чиқарилди ва саноат корхоналарига пландан ташқари 2 минг тонна сифатли тола етказиб берилди. План 105,7 процент бажарилди ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 минг тонна кўп тола ишлаб чиқарилди. Бу заводда ишлаб чиқариш қуввати ва самарадорлиги йил сайин ошиб бораётганидан далолат бериб турибди.

КПСС XXIV съезди қарорларидан руҳланган завод коллективи ўз имкониятлари ва ички резервларни қайта кўриб чиқиб, оширилган социалистик мажбурият қабул қилди. Уни бажариш учун бригада ва цехларда ўзаро социалистик мусобака авж олди. Айниқса, коммунистлар Рамазон Қиличев, Жалил Ҳакимов, Абдувоҳид Қодиров ўртоқлар смена мастери бўлиб ишлаётган бригада ишчилари мусобақада пешқадам. Шу олти ой давомида бу бригадаларнинг ҳар бирида пландан ташқари бир неча юз тоннадан маҳсулот берди. Шу йилнинг биринчи ярмида план муддатидан илгари 105-108 процент уддаланди. Қўлга киритилган бу ютуқларда Майрам Зайнуллина, Розия Орипова, Нормурод Очилов, Азим Эргашев, Тоғай Ражабов, Яраш Эргашев, Ризо Ҳусанов ўртоқлар сингари коммунистларнинг муносиб улуши бор. Буларнинг ҳар бири коммунистчасига ишлаш ва яшашда бошқаларга ўрнак бўляпти.

Коммунистларнинг ишлаб чиқаришдаги авангардлиги, маҳсулот сифати ва таннархи учун тинмай қайғуриши, бу ишга бевосита аралашуви туфайли юқори кўрсаткичларга эришилди. Ўтган йилнинг дастлабки олти ойида заводда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 46 проценти аъло сортга топширилган бўлса, тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йили ярмида ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 75 проценти аъло сортларга қабул қилинди. Демак, маҳсулот сифати йил сайин яхшиланмоқда.

Маҳсулот таннархини арзонлаштириш натижасида шу йилнинг беш ойи ичида 540 минг сўм маблағ тежаб қолинди. Ишчи-хизматчи, инженер-техник ходимларнинг фидокорона меҳнати туфайли меҳнат унумдорлиги 8 процентга ошди, планда белгиланганидан ташқари 240 минг сўм соф фойда олинди. Завод бўйича умумий фойда 2 миллион 717 минг сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг 5 ойлигига нисбатан 1 миллион 474 минг сўм кўп демакдир.

Завод коллективи шу кунларда КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб, тўқкизинчи беш йилликнинг биринчи йили план — топшириқларини декабрь ойининг дастлабки ўн кунлигида бажариш учун курашяпти.

А. ШУКУРОВ.
Бухоро область, Ғиждувон районы.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УФҚЛАРИ

КПСС Марказий Комитети, Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Рашидов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг II пленумида қилган докладида корхонамизга шундай баҳо берди:

«Тошкент кабель заводининг бошланғич партия ташкилоти ўз коллективида самарали ташкилотчилик ва сиёсий ишларни олиб бормоқда. Шу бошланғич партия ташкилотининг ташаббуси билан корхонада ишлаб чиқаришни ва социал тараққиётни илмий равишда уюштиришнинг ягона комплекс программаси ишлаб чиқилди. Жаҳонда биринчи бўлиб бу заводда бултур металлни тўхтовсиз қуйиб ва прокат қилиб берадиган механизациялаштирилган комплекс установка ишга туширилди, тоза мис катанкасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Мана шу ва бошқа тадбирларни жорий қилиш натижасида бир йилу тўрт ой ичида тўрт миллион сўмликдан кўпроқ иқтисодий самара олинди».

Корхонамизга берилган бу юксак баҳо коллективимизни беҳад қувонтириб юборди. Ишчиларимиз доимо ана шу юксак савияда ишлашга, юксак баҳога яраша меҳнат қилишга бел боғлаганлар.

Ҳозир заводимиз маҳсулотлари ишлатилмаётган биронта ҳам халқ хўжалиги тармоғи йўқ. Янги беш йилликда муҳим кабель турларини янада кўпайтиришни кўзда тутяпмиз. Каротаж кабели ва нефть насослари учун кабеллар тайёрлаш икки ҳисса кўпайди. Шаҳар телефон кабеллари ишлаб чиқаришни ҳам икки ҳиссага яқин кўпайтирмоқчимиз. Ерости бронекабеллари тайёрлашни ҳам кучайтирамиз. Электрлаштирилган темир йўллар транспорти учун ўтказгичлар тайёрлаш ҳам кўпаяди.

Аҳоли кенг истеъмол молларининг тури ортади, уларнинг ҳажми бир ярим баравар оширилади. Телевизион кабеллар ишлаб чиқаришни бир неча ҳисса ошириш кўзда тутилмоқда.

Буларнинг ҳаммасига ортиқча ишчи кучи, меҳнат сарфламай, фақат техника тараққиёти асосида, меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилади. Шунинг учун ҳам янги техникани жорий этиш, технологик жараёнларни ва ишлаб чиқаришни бошқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Оғир қўл меҳнатини қисқартириш ҳисобига ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш съездда ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган эди. Бу борада анча ишлар қилинди. **Бултур жаҳонда биринчи бўлиб тоза мис катанкаси олишни ўзлаштирдик. Шунисн яхшики, ускуналар ҳам заводимизнинг ўзида тайёрланди.** Ишчилар коллективининг ғайрати билан кейинги йилларда янги-янги кабель турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу кабеллардан халқ хўжалигида фойдаланилганда камида 5 миллион сўм маблағ тежалади. **Ҳозир корхонамиз Иттифоқимизда энг кўп автомат поток линияси ишлаб турган корхонадир.**

Янги беш йилликда коллективимиз пландан ташқари бир ярим миллион сўмлик маҳсулот реализация қилишни планлаштирди. Шу кунларда мусобақа авжида. Коммунистик меҳнат ҳаракатида 3450 ишчи қатнашмоқда. 11 смена, 49 бригада, 1135 ишчи коммунистик меҳнат сменаси, бригадаси ва зарбдори деган юксак номга эришди.

Аввало, техника тараққиётини жадаллаштиришга рационализаторларимиз ва ихтирочиларимиз қўшаётган катта ҳиссани алоҳида таъкидлагим келади.

Корхонамизда «Техникавий ва социал тараққиёт комплекс планлари» тузилган. Бу план уч йилдан бери амалда. Корхонани техникавий қайта жиҳозлаш тез суръатларда олиб борилмоқда. Бу план, юқорида айтилганидек, корхона партия комитети раҳбарлигида амалга оширилмоқда.

Корхонамиз директори, иқтисод фанлари кандидати, КПСС XXIV съезди делегати ўртоқ Х. Алимов бошчилигида заводда АСУП системаси (ишлаб чиқаришни бошқаришнинг автоматлашган системаси) қўлланилмоқда. У электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида амалга оширилди. Бу тадбир техника тараққиётида янги, юқори даражага эришилганини кўрсатади, албатта. Буидан ташқари, кучланиш ва контроль кабеллари корпуслари, завод бошқармаси бўлимлари ходимларининг меҳнатини ва иш ҳақини ҳисоблашнинг механизациялашган системаси жорий этилди. Эндиликда маҳсулот ва хом ашёларни ҳам ҳисобга олишни электрон ҳисоблаш машинаси зиммасига юкламоқчимиз. Автоматлашган бошқариш эса фақат меҳнат унумдорлигини оширибгина қолмай, маъмурий ва бошқарув аппаратларини ихчамлаштириш имконини беради. Бултур 55- цехда учта автомат-поток линияларнинг ишга тушгани меҳнат унумдорлигини 3-4 ҳисса ошириб юборди. Тоза мис катанкалари ишлаб чиқаришни ўзлаштириш туфайли ҳам меҳнат унумдорлигини 4 хиссага яқин оширдик.

Янги беш йилликда электрон-ҳисоблаш техникасини қўлланиш ниҳоясига етказилади, унинг ёрдамида технологик жараёнларни назорат қилиш ишлари амалга оширилади. **Иттифоқимиз халқ хўжалигига икки ярим минг хилдан кўпроқ маҳсулотлар етказиб беришнинг ўзи бўладими? Фан-техника янгиликлари жонимизга оро кирмоқда. Корхонамизда қўрғошин ўрнига алюминй, резина ўрнига полиэтилен материалларидан фан-техника мўъжизаси натижасида фойдаланяпмиз. Бундан неча минг тонналаб қўрғошин, резина тежаляпти, бу миллион сўмлаб маблағни иқтисод қилиб қолишга ёрдам бермоқда.**

Эндиги навбатда олдимизда геофизика ишлари учун янги кабеллар, мис қоришмасидан ўтказгичлар тайёрлашни кучайтириш вазифалари турибди. Автомат поток линиялари жорий этишга ҳам эътибор кучайтирилади. **Заводимизда мамлакат кабель саноатида биринчи бўлиб кабель толаларн тайёрлайдиган автомат поток линия ишга туширилди.** Бундай поток линиялардан бошқа хил кабеллар, жумладан кучланиш кабеллари ишлаб чиқаришда ҳам фойдаланмоқчимиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, фан-техника ўсиши кадрлар малакасини оширишни ҳам талаб этади. Ҳозир 240 дан ортиқ киши ишчи-ёшлар мактабида, Тошкент электромеханика техникумида, кўплаб ишчи, инженер-техник ходимлар курслар, новаторлар мактабларида малака оширишяпти. Бултур политехника институтида кабель техникаси бўйича инженер-электриклар тайёрлайдиган махсус бўлим очилгани айниқса қувончли бўлди. 160 киши олий маълумотли, 20 дан ортиқ аспирантимиз бор.

Муаммолар ҳам йўқ эмас. Юк ортиш ва туширнш ҳамда транспорт ишларини механизациялаш масаласи олдимизда кўндаланг бўлиб турибди. Заводимиз ҳар куни бир неча юз тонналаб юк олади ва шунчалаб маҳсулот жўнатади. Бу ишларнинг бир қисми, масалан, мис ва алюминй эритмаларини туширнш механизациялашган. Аммо, бу борада қўл меҳнати ҳали устун. Буни ҳал этишда бирон илмий тадқиқот институти ёки лойиҳалаш институти кўмагига муҳтожмиз.

И. СОКОЛОВ,
Тошкент кабель заводи бош инженерининг ўринбосари.

ҚАРШИ ҚУРИЛИШЛАРИДА

ДАШТ МЕЪМОРЛАРИ

Суратда: 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг илғор арматурачиси Тамара Бузина.

Суратда: (чапдан ўнгга) иккинчи участка прораби Валерий Сичков, участка бошлиғи Анатолий Бернос насос станцияси қурилишида. (ЎзТАГ фотохроникаси). Н. Ключнев фотолари

Асрий мудроқ даштнинг ороми бузилганига ҳали унчалик кўп вақт бўлгани йўқ. Қовжираган ўт-ўланлар билан қопланган поёнсиз, кўз илғамас ерларнинг аста-секин инсон измига бўйин эгиб келаётганига ҳам ҳали кўп ўтгани йўқ. Ҳа, энди ўша қадимий даштнинг саратонда қовжираган, қиш палласида совуқдан тарс-тарс ёрилган кўксида «оқ олтин» пайкаллари, гуллаган боғ-роғлар яралиб, бойлик водийси, тўкинлик водийси, фароғат гулшани вужудга келаётир.

Булар ўз-ўзидан бўлаётган нарсалар эмас. Аввало бу ерга партия чақириғи, қалб амри билан келиб, не-не орзу-тилакларни дилига туккан азмкор совет кишиларининг меҳнати, ақл-идроки туфайли ана шундай ўзгаришлар юз бермоқда. Вақтлар келадики, кейинги авлод уларнинг номларини шон-шарафларга чулғаб, энг азиз ва табаррук билиб ардоқлайди.

Эҳтимол, ху анави рус қизининг номи ҳам ана шу жасорат йилномасидан жой олса ажаб эмас. Унинг исми — Тамара, фамилияси — Бузина. У Қарши даштига анча узоқдан, Россиядан келган. «Каршистрой»га ишга жойлашди. Унинг касби оддий — арматурачилик. Узбекистон жанубининг сер яллиғ қуёши шимол қизининг юзларини ҳам бир оз куйдирган. Дашт шабадаси унинг малла сочларини силкитиб ўйнайди. Лекин ёзнинг иссиғи ҳам, қишнинг қирчиллама совуғи ҳам, сақронинг ўзига хос аямажизлари ҳам унинг шижоат ва ғайратини сўндира олмади. У ўзининг ана шу севган касбида ишлаб чўлни бўйсундиришга ўз ҳиссасини қўшаётган абжир қизлардан. Тамара тез кунда ўз касбдошлари, дугоналари орасида ном чиқарди, энг яхши арматурачи деган баҳога лойиқ бўлди. Тамара Бузина сингари жасоратли, матонатли қизлар эндиликда Қарши қурилишларида жуда кўп. Дарҳақиқат, «Каршистрой»нинг 7- қурилиш-монтаж бошқармасида Тамара изидан бориб шон-шуҳрат топаётган бошқа арматурачилар ҳам бор.

Шу кунларда Қарши чўлларида бўлган киши ажойиб меҳнат завқини кўради. Унинг ҳамма ерида қурилиш, яратувчилик меҳнати. Айниқса қозирги пайтда Қарши магистрал каналида ишлар ғоятда зўрайиб кетган. Чунончи, иккинчи насос станциясида бир вақтнинг ўзида учта насос бир йўла монтаж қилинмоқда. Бундай суръат, бундай шижоат ҳамма қурилишларда ҳам бўлавермайди. Монтажчилар ана шу агрегатларнн бирини сентябрь ойида синаш учун топширишга қарор қилишган.

Насос станцияси юқори колоннасининг биноси ҳам тезкорлик билан монтаж қилинмоқда. Бинонинг қурилиши тез орада поёнига етиши керак. Чунки ҳамма бошқарув системаларининг ана шу бинога боғлиқ эканлиги кўпчиликка маълум. Шунинг учун ҳам барчанинг эътибори ана шу бинони тез ва пишиқ қилиб қуриб битказишга қаратилган. Айниқса қурилиш участкасининг бошлиғи, коммунист Анатолий Бернос, иккинчи участка прораби Валерий Сичков ва уларнинг монтажчи йигитлари астойдил жон қуйдириб ишламоқдалар.

Магистрал каналнинг бошқа участкаларида ҳам иш қизғин бормоқда. Сув чиқариш иншоотларидаги бетон ишлари асосан тугалланди, турбопроводлар тўташган жойлардеги мустаҳкамлаш ишлари ҳам поёнига етай деб қолди. Бунда насос станцияси қурилишини олиб бораётган «Каршистрой», 7-қурилиш-монтаж бошқармасининг коллективи катта жонбозлик кўрсатмоқда.

24-механизациялашган колонна Қарши чўлида кўп ишларни бажарган. Қурилишдаги кўпчилик мураккаб ишлар ана шу колонна монтажчилари коллективига ишониб топширилиши одат тусига кириб қолди. Негаки, бу ерда ўзининг маҳорати билан донг таратган Қарши дашти қаҳрамонлари, ажойиб монтажчилар бор. Булар орасида колоннанинг Абдураим Абдуқодиров бошлиқ бригадасининг иши ҳаммага маъқул бўлаётир. Бригада аъзоларидан Борис Антоник ва унинг ҳамкасблари пайвандлаш ишларини сифатли ва тез бажаришда бошқаларга ўрнак бўлаётир.

Очил Қораев қурилишнинг жонкуяри — дейишади, колоннадагилар.

Чиндан ҳам шундай. Катта қурилишнинг моҳир кранчиси Очил Қораевнинг азамат машинаси ўзгина бўлса ҳам ишламай қолса, ерда ҳамма иш таққа-тақ тўхтайди. «Дастёр» машинанинг мунтазам ишлаб турнши учун бу йигитнинг хизмати жуда кўп сингмоқда.

Насос станцияси қурилиши тез кунларда тугалланади. Поёксиз ерлар бағрига асос дарёнинг ҳаётбахш сувлари етиб боришига жуда оз вақт қолди. Шунда ҳамма — миришкор деҳқондан тортиб оддий новадоргача, соҳибкор боғбондан тортиб, механизаторгача чўлга сув келтирган, ҳаёт келтирган замон фарҳодларига офарин дейди.

Я. ТУҲТАЕВ.

КПСС XXIV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

МАКТАБ ВА ҲАЁТ

В. И. Ленин раҳбарлигида совет мактабининг асосий принциплари—ягона, меҳнат, политехника мактаблари шакилланганда буён ярим асрдан кўпроқ вақт ўтди. Бу принциплар замон синовидан ўтди ва ҳозирда ҳам асосий принциплар бўлиб қолмоқда.

КПСС XXIV съезди мамлакатимизда юз бераётган жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, коммунистик жамият қурилишидаги асосий вазифаларни белгилаб берди. Бу вазифалар мактабда ғоявий эътиқодли, юксак даражада билимдон ёшлар, меҳнатсевар ва камтар меҳнаткашлар коммунизм иши учун отаси — ишчилар, маънавий жиҳатдан юксак фазилатли, интернационалистлар ва ўз Ватанининг отасини ватанпарварлари бўлган ёш авлодни тарбиялаш ва ўқитишни такомиллаштиришдан, ўсиб келаётган бутун авлоднинг ўрта маълумотли бўлишини амалга оширишдан иборатдир.

Шуни дадил айтиш мумкинки, мактаб ҳаётида сифат жиҳатидан янги босқич бошланмоқда. Бу босқичда «йўлда бирор киши ҳам қолиб кетмаслиги керак» деган принцип кўзда тутилади. Бунинг маъносо шуки, мураккаб педагогик ташкилий ишлар комплекс равишда амалга оширилади ва узоқ муддатга мўлжалланган бутун ишимизнинг мазмунини белгилаб беради.

Маълумки, ўтган беш йилликда умумий ўрта таълимга ўтиш учун асос қўйила бошланди ва биз бу борада баъзи бир ютуқларга эришганмиз. 1970—1971 ўқув йилидагина саккизинчи синфларни битириб чиққан болаларнинг салкам 75 проценти ўрта маълумотли бўлиш учун ўқишни давом эттирди. Ўтган беш йиллик мобайнида республика мактаблари ўқувчиларининг контингенти 818 минг 150 кишига кўпайди ва мана шу ўқув йилининг, бошида 3 миллион 137 минг 70 кишини ташкил этди. Бу ўқувчилар республикадаги 7 минг 43 та мактабда таълим олдилар. Республиканинг кўпгина мактаблари ёки мактабларнинг деярли ҳаммаси биринчи синфдан то саккизинчи синфгача ўқувчилар контингентини тўла сақлаб қолмоқда. 1975 йилда биринчи синфларга 364 мингга қадар болани қабул қилиш, саккизинчи синфларда 349 минг 300 болани битиртириш, тўқкизинчи синфларга 279 минг 500 болани қабул қилиш, ўнинчи синфларни 226 минг 900 бола битириб чиқишини таъминлаш, яъни бошқача қилиб айтганда, беш йиллик якунланган 1970 йилга нисбатан 428 минг 180 ўқувчи кўпайишини таъминлаш мўлжалланади. Бу рақамлар республика мактабларининг ишини чуқур таҳлил қилишга асосланган реал рақамлардир.

Халқ маорифи соҳасида қилинган шу ишларни эканмиз, мактабнинг бизга катта хизмат кўрсатаётганлигини албатта айтиб ўтишимиз керак. Мактаблар қучоғидан мамлакатимизнинг иқтисодий қудратини ва маданиятини мустаҳкамлашга қодир бўлган минг-минглаб билимдон кишилар етишиб чиқмоқда. Мактабларни битириб чиққан бу кишилар бугунги кунда халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида, совет фани, маданиятини, совет маорифини ривожлантиришда ғоят фаол иштирок этмоқдалар.

Шундай қилиб, аввалги беш йилликда асосан амалга оширилган вазифани эндиликда поёнига етказишимиз керак. Бу вазифа катта давлат аҳамиятига, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган, анчагина мураккаб вазифадир.

КПСС XXIV съезднинг беш йиллик план юзасидан Директиваларида халқ ҳаётининг моддий ва маданий даражасини анчагина юксалтириш беш йилликнинг асосий вазифаларини муваффакиятли бажаришнинг муҳим шартларидан бири эканлиги, ёшларнинг умумий ўрта таълимга қўчишини поёнига етказиш зарурлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган. Шу муносабат билан маориф системасини янада ҳар тарафлама ривожлантириш кўзда тутилади. Бу эса умумий таълим масалаларини, ўқувчилар оладиган билимларнинг сифатини кескин ошириш масалаларини биринчи ўринга қўяди.

Маориф министрлиги, жойлардаги халқ маорифи органлари ,педагогик коллективлар белгиланган конкрет тадбирларнинг амалга оширилиши ҳар бир районда, ҳар бир шаҳарда ўрта таълимни жорий этишни тамомлаш имконини беради. Бу ерда гап ранг-баранг проблемалар тўғрисида — мактаб шохобчаларини тўғри жойлаштириш, қурилиш планларини сўзсиз бажариш ва ўқув юртларнинг моддий базаларини мустаҳкамлаш ,уларни малакали ўқитувчи кадрлар билан тўла-тўкис таъминлаш тўғрисида бормоқда. Мактаб ёшидаги барча болаларнинг ўқув йили охирига қадар мактабга қатнашига ва юқори синфга ўтишига, саккиз йиллик мактабни, албатта, тамомлашига эришиш энг муҳим вазифадир. Бу ҳар бир боланинг умумий ўрта ёки ўрта махсус таълим олишига шарт-шароит яратиб беради.

КПСС Марказий Комитетининг июль Пленуми (1970 йил) қишлоқ хўжалиқ ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш тадбирларини белгилаб берди. Бизнинг қишлоқ мактабларимиз билимдон, маданиятли қишлоқ меҳнаткашларини тайёрлашда катта роль ўйнашга даъват этилгандир. Чунки ҳозирги пайтда қишлоқ мактабларида республикадаги барча ўқувчиларнинг ярмидан кўпроги таълим олмоқда. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, қишлоқ мактабларининг ўқитувчилар состави ва ўқув-моддий базаси яхшиланиб бормоқда. Кейнги пайтда ўқувчиларнинг фанларни ўзлаштириши анча яхшиланди. Саккиз йиллик мактабларни ва қишлоқ ўрта мактабларини битириб чи-

Янги назмлар

ҒАЙРАТИР

СУВЧИ

Уфқда офтоб шўъласи ўйнар,
Сувларга тўш уриб учар қалдирғоч.
Биллур томчи сочиб булоқлар қайнар,
Ирмоқлар чопади очиб кенг қучоқ.

Далалар қўйнига аста чўкмоқда,
Ҳарир туманларга бурканиб оқшом.
Воднйга тўлган ой нурин тўкмоқда,
Кезмоқда серташвиш сувчи беором.

Ойли тун. Узоқда дала нашъаси,
Сув оқар — гўзалар томирига қон.
Далада меҳнатнинг завқ-нашидаси.
Юлдузлар базмидан жимирлар осмон.

Ҳар гўза шохида маржондай шона...
Эгатлар бағрига сиғиб оқар сув,
Ҳар бир ниҳолига бўлиб парвона,
Дала кезиб юрар сувчи беўйқу.

Ҳар эгат бошидан эгилиб қараб
Тонгларни кутади мармар ҳавода.
Ана, қуёш нурлар зар кокил тараб,
Юзларини силар тонгги шаббода...

Рама БОБОЖОН

ЙЎҚ, ЁШЛИК ЎТГАНМАС

Ёшлик ўтди десанг, розимас юрак,
Талашар, тортишар, баҳслашар ҳатто.
Ҳангу-манг қилгудай сўйлайди
эртак,
Ёшликнинг ортидан тоғдай шайдо...

Ёшлик ўтди десанг, кечалар ойдин,
Ўтлоқларда дурдай шудринг
томчилар.
Дарё шарқирайди, денгизда тўлқин,
Оқ булут осмонда отин қамчилар...

Ёшлик ўтди десанг, сенга сеп ёйиб,
Нечун баҳор келди ошиб тоғу тош...
Нечун чидолмасдан қиш биқсиб
қойиб,
Заҳрини сочгудай олиб кетди бош?..

Ёшлик ўтди десанг, бол ташир ари,
Капалак қаноти алвон-алвон ранг...
Ёшлик ўтди десанг, кўнгил дафтари
Булбул чах-чаҳига нечун ҳамоҳанг?

Ёшлик ўтди десанг, нечун шаббода
Екимли эсади, ундайин боққа?
Нечун муаттар ис анқир ҳавода,
Ҳамон бўй бермайди сочинг тароққа?

Ёшлик ўтди десанг, розимас ўйнинг,
Розимас сен гулдай барг ёзган
тупроқ!
Розимас опичлаб ўстирган бувинг,
Бувилар қалбида ҳали шамчироқ...

Йўқ! Ёшлик ўтганмас, ёшлик сен
билан.
Юрак сўзларига қулоқ сол, майли!
Ёшлик ўтди десанг, нечун ер чаман,
Нечун мен Мажнуну ҳамон сен
Лайли?!

ДЎСТЛАРНИ АВАЙЛАНГ

(Расул Ғамзатовдан)

Дўстлик нима, душманлик нима,
Фарқ этаман, шак келтирмам ҳеч.
Дўстга бўлган ғазаб ва ғина
Айтилади эртами ё кеч.

Дўстинг бевақт дилингни снёқ
Қилган бўлса — қилгандир балки,
Шунинг ўзи етарли гуноҳ,
Юзга солиш шартмикин ёки...

Кексалик-қу тақдирда аён,
Эй ҳалойиқ, қуп ўтган сайин —
Дўстдан ажраш нечоғлик осон,
Дўстни топиш шунчалик қийин.

Вафодор от оёғин майиб
Қилган бўлса қоқилиб ноғоҳ,
Бошқасини минмагил қойиб,
Отда эмас, тўғрақда гуноҳ.

Мен аввали қилмай эътибор,
Ҳар нарсага бўлиб жиғи-бийрон,
Талай дўстдан ажрадим бекор.
Ташлаб кетди талай дўст-ёрон!

Энди сизга чанқоқман, чанқоқ,
Бир вақт мени севган дўстларим,
Гуноҳингиз кечганман мутлоқ,
Сиз ҳам кечинг каму кўстларим...

Эй ҳалойиқ, сизга илтимос,
Ўтинч шулки, бўлинг меҳрибон.
Дўстга керак садоқат, ихлос,
Ардоқланг сақланг ҳар қачон!

АНДИЖОН ОБЛАСТИ. «Узсельхозтехника»нинг Марҳамат район бирлашмаси коллективи пахтакорларга чин мададкор бўлмоқдалар. Улар район пахтакорларига кўмаклашиб, 140 та терим машинасини ремонт қилиб беришга киришган эдилар. Қисқа муддатда 125 та терим агрегати сифатли ремонтдан чиқарилди. Суратда: техника ремонтининг пешқадамлари (чапдан) Р. Абдувалиев, Х. Худойқулов, Т. Кўчиев, С. Абеллимов ўртоқлар ремонт сифатини текшириб кўришмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ШУ ҲАМ КЛУБМИ?

— Бугун кино кўрсатилади...

— Кеч соат саккизда «Ўтган кунлар» намойиш қилинади, хоҳлаган кишилар томоша қилишлари мумкин.

Бўлим профсоюз ташкилоти ҳамда ўттиз бешинчи мактаб дирекцияси томонидан ёзилган шундай эълонларни ўқиган совхоз ишчилари, мактаб ўқувчилари бўлим марказига келишди-ю, ҳанг-манг бўлиб қолишди. Бир-бирларига: «Клуб ҳали тузатилмабди, кинофильмни қаерда кўрар эканмиз?» — дейишардилар.

Томошабинлар инкарига таклиф қилинди. Улар эшиклари бузуқ, деразалари синиқ, ойналари олинган, полсиз, скамейкасиз «клуб»га киришди. Шундай қилиб 200 ўқувчи билан юздан ошиқ ишчи тиқма турғиб бўлса-да, «Ўтган кунлар» фильмини кўрди.

АЖАБ САВДОЛАР

◆

Олтинтепа — Самарқанд область, Оқдарё районидаги йирик қишлоқлардан бири. «Дахбед» совхозининг тўртинчи бўлими маркази илгаридаги шу ерда эди. Районда «Оқдарё» пахтачилик совхози ташкил топгач, Олтинтепа ана шу совхозининг учинчи бўлими территориясига ўтди. Бўлим бошқарувчиси ҳам ўзгарди. Тошназар Раҳимқулов ўрнига М. Халилов деган киши тайинланди.

Шу-шу бўлди-ю, клуб мудирлиги штати қисқарди, ҳатто, қоровул ҳам қўйилмади. Кўп-кўп ва маблағ сарфланиб қурилган қишлоқ клуби ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Собиқ бўлим бошқарувчиси Тошназар Раҳимқулов клубдаги ҳар бири ўн тийинли 33 та скамейкани ўзининг тўйига олиб кетганича қайтариб бермади. Шундай қилиб, скамейкалар тўйдан-тўйга олиб кетаверилди. Қурилгандан буён ремонт қилинмаган клуб бинаси эса яроқсиз ҳолга келди.

Бўлим бошланғич партия ташкилотининг секретари Абдулла Жаҳонгиров, комсомол комитетининг секретари Севартош, Аббосова ўртоқлар ҳам маданий-оқартув ишларининг муҳим тармоғи ҳисобланган клуб фаолияти билан мутлақо қизиқмаганлар.

Район маданият бўлимининг мудири ўртоқ Л. Зиёева «Унна клубимиз бор, бунна клубларимиз бор» деб мактанади-ю, уларнинг қандай ишлаётганлиги билан иши йўқ.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ТУРМУШ МАДАНИЯТИ МАСАЛАЛАРИ

ДАВР НАФАСИ

Қишлоқ меҳнаткашлари турмуш маданиятини ошириш ва ижтимоий онгини ўстириш масалаларига бағишланган область кенгашида Кўргонтепа районидаги «Бирлашган» колхози правленниесининг раиси Иброҳимжон Тошхўжаевнинг сўзи ҳамманинг эътиборини ўзига тортди.

— Колхозимиздаги тарқоқ қишлоқларни тугатиб, бош план асосида марказий посёлка қурдик. Ҳозир колхозчиларнинг тўқсон процента янги уйларда яшамоқда, — деди раис йигитлишда. — Бу уйларда ҳамма қулайликлар яратилган: колхоз қишлоғи тўла электрлаштирилган, газлаштирилган, водопровод суви билан таъминланган.

«Бирлашган» колхози республикамизнинг чегарасида жойлашган. Бир томони Қирғизистон ССР колхозлари билан чегарадош бўлса, бир томони «Савай» совхози ерларига туташ.

Олатда Андижон области колхозларининг ерлари майда, кичик карталарга бўлинган, Катта пайкаллар бошланиши биланоқ ҳамроҳим «Савай»га келдик, деди. Лекин, «Бирлашган» колхози ерлари ҳам яхлитлиқда совхоз ерларидан қолишмайди.

Кейинчалик колхоз раиси билан суҳбатдашаётганимизда унинг ўзи ҳам шу ҳақда гап очиб қолди.

— «Савай» совхози пахтачиликни комплекс механизациялашда намуна хўжалик. Ундан биз ҳам ўрнак оляпмиз. Қишлоқ хўжалиги ишларини машиналаштириш учун ерлар яхлит бўлиши керак. Бу — техника талаби, давр талаби. Биз қишлоқни йириклаштириб, экин майдонларини яхлитлаштиришга имконият яратдик. Эндиликда 80-100 гектарлик карталаримиз бор.

Деҳқончилик маданиятининг ўсиши туфайли қишлоқда катта ўзгаришлар рўй берди. Эндиликда колхозчилар эски уйларда яшашни, эскича турмуш кечиришни ўзларига эп кўрмай қўйдилар. Албатта бунда Саломхон Исроилова бошлиқ қишлоқ коммунистларининг ҳиссаси катта. Колхозчиларнинг турмуш маданиятини юксалтириш, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги тафовутни тугатиш тўғрисидаги партия кўрсатмаларини колхоз коммунистлари изчиллик билан амалга оширишга ҳаракат қилаётирлар.

— Колхозчиларнинг ҳаётидаги бу янги ўзгаришлар экономика тараққиётининг натижаси. Ҳар бир янгиликнинг мустаҳкам ўрин олиши учун маълум база бўлиши керак. Колхоз даромадининг йил сайин ортиб бораётганлигини, колхозчилар ҳаётининг фаровонлашаётганлиги, — дейди Исмоилжон, — турмуш шароитини ҳам ўзгартириб юборди. Мана, колхоз экономикасининг юксалиш рақамлари билан танишиб чиқинг.

«Бирлашган» колхози 1958 йилдан буён муттасил мўл ҳосил етиштириб келмоқда. Пахта тайёрлаш йиллик планининг доимо ошириб бажарилаётганлиги, ҳосилдорлигинг йилдан йилга ўсаётганлиги, колхоз даромадининг ўсишида ўз ифодасини топмоқда. Хўжаликда пул даромадлари 1970 йилда 1960 йилдагига нисбатан деярли уч баробар кўпайди. Сўнгги беш йилликнинг ўзида хўжаликнинг даромади ундан бир баробар ошди. Илгор колхозчилар эндиликда ўз меҳнатлари учун мўмай пул оладиган бўлиб қолдилар. Ўтган йили колхозчиларнинг ойлик ўртача маоши 119 сўмни ташкил этди. Бу эса 1965 йилдагига нисбатан 50 сўм кўпдир. Айрим колхозчиларнинг ойлик маошлари 170-190 сўмданга тўғри келмоқда. Масалан, сувчи Бакирали Мўминовнинг ойлик маоши ўртача 168 сўмни ташкил этса, илгор механизатор Ҳожимат Маматоҳуновнинг ойлик маоши 269 сўмга етди.

Бунинг сабаби шундаки, колхозда меҳнат унумдорлиги мутасил ошиб бормоқда. Ҳар бир колхозчи ҳисобига пахта етиштириш жиҳатидан бу хўжалик Андижон областидаги энг пешқадам колхозлардан бири қаторига чиқиб олди. Масалан ўтган йили бевосита пахтачиликда банд бўлган ҳар бир колхозчи ҳисобига 6,5 тоннадан пахта етиштирилди. Шу туфайли иш кунининг қиммати ҳам ошиб бормоқда. Сўнгги беш йилликда колхозда ҳар бир иш кунининг қиммати 1 сўм 53 тийин ошди.

Бу пахтачиликдан олинаётган даромад, колхозда чорвачилик ҳам рентабелли тармоққа айланган. Чорвачилик учун мустаҳкам ем-хашак базаси яратилган. Хўжалик шу йилдан бошлаб жамоат чорвачилиги учун жамгарилган ем-хашакнинг ортиқчасини колхозчиларга улашмоқда. Шунинг ўзи ҳам бу ерда ем-хашак проблемаси тўла ҳал қилинганлигини, чорвачилик тараққиёт йўлидан бораётганлигини кўрсатиб турибди. Давлатга сут тухум топшириш йиллик планлари аллақачон бажариб қўйилди. Гўшт топшириш плани ҳам муваффақиятли бажарилапти. Гўштга топширилаётган ҳар бир қорамолнинг тирик вазни 300 килограммдан ортиб кетди. Шукуржон Мадаминов бошлиқ колхоз чорвадорлари ҳар бир сигирдан олиниган сутни 1,5 тоннага, гўштга топширилаётган қора мол вазнини 350 килограммга етказиш учун курашмоқдалар.

Колхоз экономикасининг мустаҳкамланиши, колхозчилар моддий фаровонлигининг ортиши янги проблемаларни келтириб чиқарди. Қишлоқдаги саккиз йиллик мактаб директори Муҳаммаджалил Раҳмонов ана шу муаммоларни қуйидагича хиной қилади:

— Маблағлардан, шахсий даромадлардан, ноқонуний йўллардан тўғри фойдаланиш жуда муҳим масала. Бу соҳада иқтисодчиликка сира пул қўймаслик лозим. Лекин бизда тўйлар бир-биридан дабдабали, ўқишни сўрасангиз тўй қилишда ҳам ким ўзарчилик бошланган эди. Колхозчилар катта даромад олишади-ю, топганларини эл олдига дастурхон ёзамиз деб, тўйга сарфлашади. Тўғри эл олдида дастурхон ёзиш — яхши одат. Ҳар ким ўз орзу-ҳаваснга эришиши керак. Лекин, катта ош бериб доғ чиқарганларнинг уйига кирсангиз, рўзғор ашёлари ночор ҳолда.

Биз коммунистлар бунга бефарқ қараб тура олмадик. Масалани партия ташкилоти йигилишига қўйдик. Шу тарика янги маросимлар комиссияси вужудга келди.

Муҳаммаджалилнинг бу гапларини янги маросимлар комиссиясининг бошқа аъзолари ҳам тасдиқлашди. Комиссияга 67 яшар Боймирза Қурбонов раислик қилади. У колхознинг энг обрўли кексаларидан, бир айтган гапи икки бўлмайди. Мактаб директори Муҳаммаджалил Раҳмонов, мироб Мирали Тошбоев, колхоз комсомол комитетининг секретари Раҳимжон Қодиров, хотин-қизлар Советининг раиси Ҳадича Қосимова, колхоз ҳисобчиси Улфатхон Усмонова ва колхозчи Ҳусан Рисеволардан иборат янги маросимлар комиссияси ишни колхозчиларга тушинтиришдан бошлади. Шундан сўнг тўйлар маромида, маданий ўтказиладиган бўлди. Эндилиқда колхозчилар тўй қилмоқчи бўлсалар, албатта янги маросимлар комиссияси билан маслаҳатлашадилар уларнинг ўгитларини амалга оширадилар. Шу тарика олдинги исрофгарчиликларга чек қўйилди.

Комиссия эса колхозчилар орасида ўз жамғармаларини қандай сақлаш ва сарфлаш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борди. Шу тарика бу ерда давлат омонат кассаси очилди. Қурилиш ишлари авж олиб кетди. Колхоз поселкасини бош план асосида қуриш бошланди. Правление меҳнаткашларга ёрдам қўлини чўзди. Қурилиш материаллари билан ёрдам кўрсатди. Ҳоҳлаган колхозчиларга эса колхоз томонидан кредит берилди. Бундан ташқари колхозлараро қурилиш ташкилоти кучи билан янги, чиройли бинолар қад кўтарди. Эндиликда колхоз қишлоғи таниб бўлмайдиган даражада ўзгарди. Аввалги беш-олти хўжаликдан иборат кичик-кичик қишлоқлар тугатилди. Улар марказий поселкага кўчириб келтирилди. Электрлаштирилган, газлаштирилган, водопровод суви билан таъминланган обод қишлоқ турганда кимнинг бошқа жойда яшагиси келади. Шу тарика кичик қишлоқлар тугатилиб, пахта майдонлари яхлитлаштирилди. Ерга ер қўшилди, эл-эл қўшилди.

Қишлоқ янги, уйлар янги бўлгач, уй жиҳозлари ҳам шунга яраша бўлиши керак. Колхоз партия ташкилоти шуни ҳисобга олиб маданият ҳалқ университети ташкил этди. Иккита намунали хонадон ташкил этилди. Турмуш маданиятининг қандай бўлиши шу хонадонлар мисолида кўрсатилди. Колхозчилар ўртасида турмуш маданияти ҳақида лекциялар, суҳбатлар ўтказила бошлади. Бунинг натижаси ўлароқ хонадонларда тикув машиналари, кир ювиш машиналари, дазмол каби хўжалик буюмлари пайдо бўлди.

Колхозчиларнинг маданий молларга бўлган эҳтиёжи кескин даражада ошди. Колхоз правленниеси ва партия ташкилоти буни ҳисобга олиб янги маросимлар комиссияси зиммасига янги вазифа юклади.

Шу ўринда бир мисол келтирайлик. Тракторчи Ҳожимат аканинг уйига кечқурун комиссия аъзоларидан уч киши кириб келди. Салом-аликдан сўнг ўртада қизғин суҳбат бошланди. Ниҳоят комиссия аъзоси Ҳадича Қосимова мақсадга кўчди.

— Ҳожимат ака, — деди у, — колхознинг йиллик ҳисоботини эшитиб тасдиқладик. Бунда ўзингиз ҳам қатнашдингиз. Ҳисоб-китобга кўра ҳар ойда олган маошларингиздан ташқари сиз яна икки минг сўм пул оласиз. Ўтлингизнинг оладигаи пули минг сўм атрофида. Ҳаммаси бўлиб хонадон бўйича уч ярим минг сўм пул оласиз. Хоҳласангиз шу пулни нақд олишингиз мумкин. Хоҳласангиз колхоз бухгалтерияси ҳаммасини ёки бир қисмини давлат омонат кассасига сизнинг номингизга ўтказиб қўяди. Лекин, рўзғорингиз учун бирон нарса керак эмасми?

Аня шундай маслаҳатдан сўнг Ҳожимат ака фарзандларини ўйлаб, уларнинг токчаларда тахланиб турган китобларини кўз олдига келтириб, китоб жовони, ёзув столи, стуллар олмоқчи бўлди. Комиссия унинг истакларини ёзиб олдида, бошқа хонадонга кирди. Шу тарика колхозчиларнинг буюртмалари тўпланиб бажариладиган бўлди. Мана, энди колхозчиларнинг уйига кирсангиз, телевизор, холодильник, кир ювиш машинаси, приёмник, тикув машинаси, стол, стул, китоб жовонлари, шифонер каби замонавий жиҳозларни кўрасиз. Шунисн характерлики, деярли ҳар бир хонадонда китоб жовони бор. Кўпчилик колхозчилар ўз шахсий кутубхоналарига эга.

Кези келганда айтиб қўяйлик, Қўргонтепа районида колхозчиларга маиший хизмат кўрсатишнинг ютуқ ва камчиликлари шу хўжаликда мужассамлашган десак хато бўлмайди. Бу ерда сартарашхона, пойафзал устахонаси мавжуд. Лекин, ҳамма колхозчиларнинг уйида радиоприёмник телевизор бўлса туриб район маиший хизмат комбинатининг устахонаси ёки пойафзал пункти йўқлиги ҳаммани ранжитмоқда.

Пахтачиликнинг муттасил юксалиб бориши, чорвачиликнинг тез ривожланаётганлиги ҳар бир хонадоннинг равнақида, колхозчилар ҳаётининг фаровонлашаётганлигида, турмуш маданиятининг юксалаётганлигида ўз ифодасини топаяпти. Шунинг учун ҳам «Бирлашган» колхози аъзолари тўқизинчи беш йилликда пахта хосилдорлигини гектар бошига 35 центнерга етказишни мўлжалламоқдалар. Ҳосилдорликнинг бир процент ортиши хўжалигининг пул даромадларини 2,5 процент оширишни асосий мақсад қилиб қўйганлар. Бу режанинг амалга оширилишига шубҳа йўқ. Чунки, колхозда деҳқончилик маданияти юксак. Бу хўжаликда алмашлаб экиш жорий этилганигина эмас, балки тўла ўзлаштирилган. Пахта-беда алмашлаб экиш туфайли ерларнинг унумдорлиги ортиб бораяпти. Ҳосил муттасил кўпаймоқда.

Ҳ. ИБРОХИМОВ,
А. ҚУРОНБОЕВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

«НИМЖОН ҒЎЗАЛАР»

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 29 июнь сонида юқоридаги сарлавҳа остида берилган танқидий мақолада Навоий районида ғўза парваришига эътибор берилмаётгани, мавжуд культиватор, чопиқ тракторлари, «СУЗ» аппаратларининг тўлиқ ишга солинмаётгани кўрсатилган эди.

Навоий район партия комитетининг редакцияга хабар қилишича, мақола район партия комитетининг кенгайтирилган бюросида колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари иштирокида атрофлича муҳокама қилинган. Мақолада келтирилган фактлар тўлиқ тасдиқланган. Ғўза парваришида камчиликка йўл қўйганликлари учун «Гигант» совхозининг директори Нуриддинов, «Социализм» колхозининг раиси Туробов, Охунбобоев номли колхоз раиси Собиров, «Москва» колхозининг раиси Парманов ўртоқлар қаттиқ огоҳлантирилган.

Камчиликларни тугатиш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланган.

ДАХБОРОТ

БИЗГА ЕЗАДИЛАР

ИНДОНЕЗИЯЛИК КООПЕРАТОР МЕҲМОНИМИЗ

Центрасоюз таклифига биноан Совет Иттифоқига келган Индонезия «Коогоро» кооператив ташкилотининг раиси Мортоно республикамизда меҳмон бўлди. Мортоно Ўзбекистон матлубот кооперацияси иши билан беш кун мобайнида танишди. У Тошкент, Самарқанд, Бухоро областлари кооператорлари билан учрашди, қишлоқ матлубот кооперацияси жамияти тармоқларида бўлди. Самарқанд кооператив институти Оржоникидзе районидаги «Правда» колхози саодо хизмати ходимлари билан суҳбатлашди. Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси ва В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали индонезиялик меҳмонда катта таассуротлар қолдирди.

ҚАРДОШЛАР ДИЁРИДА

Ўзбек ва тожик халқлари азалдан қўшни ва бир-бирига кўмандош. Шарқ халқлари бу икки қўшни ҳақида: улар гўё дуторнинг икки торидек яқин ва ғиждрак, дейишлари бежиз эмас. Бухоро область музиқали ва драма театрининг ижодий коллективи Тожикистоннинг Ленинобод шаҳрида бўлганида томошабинлар олқиши бу гапни тагин тасдиқлади. Республика радио ва телевидениесининг солистлари Муҳаббат Шамаева, Ийс Маллаевлар билан оирга, Бухоро театрининг санъаткорларидан Очил Ҳидиров, Салоҳиддин Каримов, Зеворхон Раҳмонова ҳам тожикистонлик санъат муҳлисларига ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Т. АБДУСАТТОРОВ,
М. ИСОҚОВ.

ЁЗ ГАШТИ

Тошкент область Калинин районидаги «Ленин йўли» колхозининг сой-салқин жойларида ёзги таътил вақтида пионер лагерлари очиш расм бўлиб қолган. Уч йилдан буён колхозда «Восток» деб номланувчи лагерь меҳнаткашларнинг фарзандларига намунали хизмат кўрсатяпти. Биринчи ва иккинчи сменаларда 150 ёшда кўнгилли дам олди. Ҳозир юзга яқин ўғил-қиз ез гаштини сурмоқда. Лагерда турли тўгарақлар ишлаб турибди. Ҳафтада икки марта кинофильмлар намойиш қилинади ва экскурсиялар уюштирилади.

Ж. ВАҲОБОВА.

СССР Савдо министрлиги 1971 йилда Минск радио заводининг «Этюд-603» маркали транзисторли радиоприёмникини оммавий ишлаб чиқаришга рухсат берди. Янги радиоприёмник ўрта ва узун тўлқинларда ишлашга мўлжалланган.

В. Еровев фотоси (ТАСС).

қувчилар тобора кўпаймоқда. Директиваларда таъкидлаб ўтилганидек, хусусан қишлоқ мактабларининг моддий базасини мустаҳкамлаш соҳасида ҳали анча иш қилиш керак. Ҳар бир мактабда ўқиш кабинетлари барпо этиб, бу кабинетларни ҳозирги замон ускуналари билан жиҳозлаш лозим.

Бу вазифаларни бажаришда комсомолнинг роли, айниқса, каттадир. Комсомоллар «Комсомол — қишлоқ мактабига» деб эълон қилинган икки йиллика қатнашиб, мактабларни ремонт қилиб бердилар. Ўқиш кабинетларини жиҳозладилар, ажойиб кўргазмали қуроллар тайёрладилар, спорт майдончалари барпо этдилар. Умуман олганда, бизнинг фикримизча, мактабнинг умумий таълим-тарбия системасида қишлоқ комсомоли ва пионер ташкилоти катта роль ўйнаши керак. Ўқувчилар ташкилотларига педагогик раҳбарликнинг муҳимлигини таъкидлаш билан бирга, ўқитувчилар томонидан ўқувчиларнинг ишига аралаша бериш ҳам тўғри эмас. Ўқувчиларда мустақиллик камол топтириш муҳимдир. Шунга эришиш керакки, улар ижтимоий қўниқмаларни ҳосил қилсилар, коллектив олдида масъулиятни ҳис қилар оладиган бўлиб вояга етсинлар. Шу муносабат билан мактабнинг ўз-ўзини бошқаришини ривожлантиришда комсомолнинг ролини ҳар тарафлама ошириш зарур.

Директиваларда таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Ҳозирги пайтда барча совет мактабларида таълим-тарбия қайта қурилмоқда. Ана шу муҳим вазифани муваффақият билан бажаришда ҳаммадан кўра ўқитувчи кўпроқ роль ўйнайди. Биз дарс бериш методларини такомиллаштиришимиз керак. Чунки дарс беришдан ўқитувчинг мақсади — ўспиринларнинг фикрлашини активлаштиришдан, унинг ақлий камолотини ривожлантиришдан, ўқувчининг хотирасини ижодий тарзда ривожлантиришдан иборатдир. Шу маънода бизнинг тутадиган йўлимиз ўқитувчининг ижодий ишлашига эришишдан, қотиб қолган қонун-қоидалардан воз кечиб, педагогика фани муваффақиятларидан ҳар тарафлама фойдаланишдан иборатдир.

Таълимнинг уч йиллик босқичига ўтилиши мактаб ҳаётида муҳим воқеа. Бундай янгилик бизда кўпдан-кўп яхши умидларни туғдирмоқда. Ваҳолонки, таълимнинг уч йиллик босқичга кўчирилиши ўқитувчидан ўзгартирилган материални пухта ўзлаштириб олишда ва унинг методикасини эгаллашда жуда кўп меҳнат талаб қилади.

Директиваларда «Ёшларнинг майлини ва халқ хўжалигининг малакали кадрларга бўлган эҳтиёжини ҳисобга олиб, ёшларни касб ўргатишга йўллаш ишлари кучайтирилсин» деб ўз вақтида кўрсатиб ўтилган. Педагогика фани ва ўқитувчиларнинг вазифаси ёшларни касб ўрганишга йўллаш системасини ишлаб чиқишда бу системага ёшларнинг майллари, қизиқишлари, совет жамиятининг ривожланиш манфаатлари ҳисобга олинган тарбиявий тадбирлар комплексини киритишдан иборатдир. Хусусан, халқ хўжалигининг баъзи бир касб эгалари етишмаётган томонларни манфаатларини кўзда тутиш муҳимдир. Бу ишда мактабга ва комсомолга оммавий ахборот воситалари, театр, кино, матбуот, радио, телевидение орқали болалар учун берилаётган эшиттиришларни ташкил этишнинг бўшлиги сезилиб турибди. Программаларга кўп йиллардан бери эшиттирилавериб эскириб кетган асарлар киритилади, кўпинча ана шундай эшиттиришларнинг жадваллари бузилади. Рўй-рост айтиш керакки, радио мактаб ҳаётининг ич-ичига кириб бормаётир, ҳозирги пайтда турмуш мактаб олдига қўйган асосий, принципиал проблемаларни радио еритмаётир, деб айтсак ҳам бўлади. Мактаб тўгрисидаги партия ҳужжатларини пропаганда қилиш йўлга қўйилмаган, педагогика соҳасида обрўли мутахассиснинг, тажрибали практик ўқитувчининг, ота-оналарнинг онлада болаларни тарбиялаш масалалари юзасидан чиқишлари камдан-кам учрайдиган ҳодисадир.

Партия ва ҳукуматнинг умумий ўрта таълимга ўтиш соҳасидаги қарорлари асосида таълим-тарбиянинг янги-янги проблемалари республика телевиденниесида ҳам область телевиденниеларида ҳам тез-тез кўтариб чиқилмаётир, улар мактабга жуда кам эътибор бермоқдалар. Тўғри, ўнинчи синф ўқувчилари учун эшиттиришлар ташкил этилмоқда. Бундай эшиттиришларнинг фойдаси борлиги шак-шубҳасиздир, Лекин таълим ва тарбия масалаларининг доираси шу қадар кенгки, бўлар ўқитиш мақсадида бериладиган эшиттиришлар билангина чегаралланмайди.

Бугунги кунда бизнинг олдимизда ҳаётга тайёрлашни яхшилашдек жуда муҳим вазифа турибди. Қишлоқ мактабида ҳозирнинг ўзидаёқ бу вазифани бажариш йўли аниқланди. бу йўл давлат нуқтан-назаридан ҳам, педагогика нуқтан-назаридан ҳам мақсадга мувофиқ йўлдир. Бу йўл тракторларда, автомобилда ишлашни ўргатиш, чорвачилик асосларини ўргатиш, ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадалари тузиш йўлидир. Бу йўл меҳнат ва дам олиш лагерларида ва бошқа вақтларда ўқувчиларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш йўлидир.

Илмий педагогиканинг вазифаси — шаҳар мактаблари учун ҳам политехника, меҳнат тарбиясининг оптимал мазмунини белгилаб бериштан, шароит бўлган тақдирда, шунингдек профессионал тайёргарлик мавжуд бўлган ҳолда ёшларни касб ўрганишга йўллашни саноат, транспорт эҳтиёжларинигина кўзда тутмасдан, ҳизмат кўрсатиш, соғлиқни сақлаш, маориф, давлат аппарати манфаатларини ҳам кўзда тутган ҳолда ташкил этишдан иборатдир. Болаларга уйда ҳам мактабда ҳам кўпроқ иш топшириш дадил бўлиш керак, пионер лагерларида уларни қурби етадиган ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш керак

Ҳозирги пайтда барча маориф ходимларининг олдида партиямизнинг тарихий XXIV съезди қарорларини ҳаётга тадбиқ этишдек ниҳоятда масъул ва айни бир вақтда ниҳоятда шарафли вазифа турибдики, уни муваффақиятли амалга ошириш ҳар бир совет ўқитувчисининг, ҳар бир ф ходимининг муқаддас дир.

С. ШЕРМУҲАММЕДОВ,
Ўзбекистон ССР маориф министри.

СПОРТ янгиликлари

АВГУСТ ФУТБОЛИ

Август — футбол воқеаларига бой ой. Кўринг, томоша қилинг.

7. 1971 йил СССР кубоги финал ўйини.

Мамлакат биринчилиги учрашувлари: 12. «Торпедо» (М) — «Қайрат», «Заря»—«Зенит», «Шахтер» — «Карпат». 14. ЦСКА — «Динамо» (М), «Динамо» (К) — «Спартак». 17. «Динамо» (Мн) — «Зенит», «Нефтчи» — «Динамо» (Тб), СКА — «Карпат». 18. ЦСКА — «Қайрат», «Динамо» (К) — «Шахтер». 19. «Спартак» —«Динамо» (М). 22. «Шахтер» — «Динамо» (М), «Спартак» — «Арарат», «Динамо» (Мн) — «Нефтчи», «Пахтакор» — «Динамо» (Тб), «Зенит» — «Динамо» (К), «Қайрат» — СКА, «Карпат» — «Заря».

28. «Спартак» — «Нефтчи», «Динамо» (Мн) — «Арарат», «Пахтакор» — СКА, «Зенит» — «Карпат», «Қайрат» — «Динамо» (Тб), «ЦСКА» — «Заря».

29. «Шахтер» — «Торпедо» (М).

30. «Динамо» (К) — «Динамо» (М).

ЖОЗИБАЛИ ҲАФТАЛИК

Совет — араб спорт ҳафталиги муҳлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўпчилик иккки халқ — ўзбек ва араб халқлари спортчиларининг Тошкентдаги мусобақалари натижалари ўзига хос жозибадор натижалар берганлигини таъкидламоқда. «Ёшлик» манежида спортнинг дзю-до тури ҳамда классик кураш бўйича ўтказилган мусобақаларда тошкентлик Ф. Убайдуллин биринчи ўринни ва меҳмонлардан Эл-Дахан иккинчи ўринни қўлга киритишди. Классик курашда араб спортчилари яна иккинчи ўринни олишди.

«Пахтакор» стадионида енгил атлетика мусобақалари бўлди. Аёлларнинг 100 метрга чопиш мусобақасида ўзбекистонлик Л. Чулкова пешқадам саналди. Бирлашган Араб Республикасининг вакили Амина Маҳмуд иккинчи ўрин билан кифояланди. Эркаклар даврасидаги чопиш мусобақаларида меҳмонларимиздан Абд Ҳамид Ҳамиз иккинчиликни эгаллади ва тошкентлик Я. Еқубов ундан 0,4 секунд маррага кечикиб келди.

«Старт» стадионидаги оғир атлетика мусобақаларида янги рекордлар ўрнатилди. Қоҳирадаги «Ал Ахром» газетасининг ходими Маҳмуд Муҳаммад Убайд ўз тоифасида мамлакатнинг уч рекордини янгилади. Классик уч курашда 425 килограмм натижага эришди. Ярим вазн тоифасидагилар қаторида спорт мастери, СССР халқлари V спартакиадаси медалларини олган тошкентлик Эркин Каримов Ўзбекистон рекордини янгилашга муваффақ бўлди.

Ҳар икки мусобақадош — Бирлашган Араб Республикаси билан Ўзбекистон спортчиларининг оғир атлетика учрашувларида тўплаган очколари тенг — 2:2.

Кеча ва ўтган кунн араб дўстларимиз Самарқанд спорт майдонларида куч синашдилар.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

ГДР. СССР билан ГДРнинг ташқи иқтисодий алоқаларида машина ва ускуналар айирбошлаш муҳим ўрин тутади. Бундай айирбошлашлар навбатдаги беш йилликда янада кенгаяди. Суратда: Венусбергдаги тўқимачилик корхонасида. Бу ерда Совет Иттифоқида ишланган янги йигирув машиналаридан фойдаланилиб, меҳнат унумдорлигини анча оширишга муваффақ бўлинди. АДН—ТАСС фотоси.



НИКСОННИНГ МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ВАШИНГТОН, 5 август. (ТАСС). АҚШ президенти Р. Никсон Оқ уйда бўлиб ўтган матбуот конференциясида гапириб, Хитой ҳукуматининг таклифига биноан Пекинга қачон боришим яқин икки-уч ой ичида аниқланади, деди. Давлат секретари У. Рожерс билан миллий хавфсизлик бўйича махсус ёрдамчи Г. Киссинжер менга ҳамроҳ бўлади, деди у.

Никсоннинг гапига қараганда, унинг Хитой раҳбарлари билан ўтказадиган суҳбатларидан кейин Вьетнамдаги уруш дарров тўхатилмайди. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Париж музокараларидаги тинчлик таклифларига жавоб бериш пайсалга солинаётганлиги учун Америка ҳукумати танқид қилинаётганлигини президент тан олди. Вьетнамдаги можороли бартараф қилиш тўғрисида Жанубий Вьетнам Республикасининг Муваққат революцион ҳукумати таклиф этган етти моддага АҚШнинг қачон жавоб беришини айтишдан президент яна бош тортди.



ЧССР. Чехословакиянн ғарбдан шарққача кесиб ўтувчи автостраданинг 23 километрли биринчи навбати ишга туширилди. Янги йўл Прага, Миглава, Брно, Братислава шаҳарлари орқали ўтади. Суратда: автостраданинг Прага яқинидаги кўриниши. ЧТК—ТАСС фотоси.

КАНАДА. Мамлакат меҳнаткашлари Американинг Ҳинди-Хитойдаги агрессиясига қарши чиқишда давом этмоқдалар. Суратда: Оттавада намойишчилар митинги. Улар АҚШ қўшинларининг Ҳинди-Хитойдан чиқиб кетишларини талаб қилишяпти. В. НИКИТИН фотоси, (ТАСС).

КИНШАСАДА ҚАМОҚҚА ОЛИШЛАР

ПАРИЖ, 5 август. (ТАСС). Киншасадан олинган хабарларга қараганда, июнь ойида Конго Демократик Республикасидаги Лованиум университетида студентлар ғалаёнлари чиққанидан кейин бошланган репрессиялар давом этмоқда. Президент Мобутунинг қарорига биноан, университет номаълум вақтгача ёпиб қўйилди, ҳамма студентлар солдатликка чақирилди. Яқин кунларда Киншасада суд мажлиси бошланиши эълон қилинди. Бу мажлисда собиқ студентлардан ташқари, хавфсизлик органларининг даъвосига кўра, «учта фитнада» қатнашган бошқа кишилар ҳам суд қилинади. Президент Мобутунинг ўзи шу йил январида афв этган кишилар ҳам судга берилади. Жами салкам эллик киши суд қилиниши керак, лекин бу — узил-кесил рақам эмас, чунки тинтув қилиш ва одамларни қамоққа олиш давом этмоқда. Жумладан, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашувчи Конго уюшмасининг ҳамма раҳбарлари қамоққа олинди.

ИРҚЧИЛАР ЖЮРИСИ

НЬЮ-ИОРК, 5 август. (ТАСС). Калифорниядаги Сан-Рафел шаҳрида ўтказилаётган суднинг кечаги мажлисида Анжела Дэвис адвокатларининг талабига мувофиқ судьялар гувоҳ сифатида гапирдилар. Бу судьялар ўтган йил октябрида Американинг коммунист қиз устидан айбнома чиқарган катта жюрини тузиш билан шуғулланган эдилар.

Судьялардан Томас Китинг, С. Гардинер ва У Макгайрлар адвокатларнинг саволларига жавоб бериб, ўзларининг Калифорниядаги ирқчи ташкилотлардан бирининг аъзолари сифатида Анжела Дэвис «иши»ни холисона қараб чиқиши мумкин бўлган жюрининг тузилишига тўсқинлик қилганликларини ҳақиқатан тан олдилар.

Дэвис адвокатлари ошкора ирқчилик қарашлари билан маълум бўлган судьялар жюри составига тайинланганлиги муносабати билан Анжела Дэвисга қўйилган ҳамма айбларнинг олиб ташланишини бир неча марта талаб қилганликлари илтари хабар қилинган эди.

Анжела Дэвиснинг адвокатлари Калифорния маъмурларининг катта жюрини тузишдаги хатти-ҳаракатларини конституцияга хилоф деб эълон қилдилар.

ҚОРОНҒИДА ТОПИШГАНЛАР

ПАРИЖ, 5 август. (ТАСС). Франс Пресс агентлигининг Хартумдан берган хабарида айтилишича, генерал Нимейри ХХРнинг Судандаги элчисини қабул қилиб Мао Цзэ-дун билан Чжоу Энь-лай номига ёзилган «муҳим мактуб»ни топширган.

Президент маҳкамасига яқин турган доиралардаги кишилар Хитойнинг Судандаги 19 июль воқеалари ҳусусидаги позицияси учун генерал Нимейри элчига миннатдорчилик билдирди, деб айтган гапларни агентлик илова қилади.

Маълумки, Судандаги коммунистлар билан ватанпарварлар қамоққа олинаётганлиги ва қатл этилаётганлиги тўғрисида Хитой матбуоти бир оғиз ҳам хабар бергани йўқ.

ХАРТУМ, 5 август. Судан ташқи ишлар министри Ансур Холид матбуот конференциясида гапириб, Пекин раҳбарлари 19 июль ҳаракатини «лаънатлаганлиги»дан кейин Суданнинг ХХР билан муносабатлари «кўп жиҳатдан яхшиланади» деб айтди.

ҲАР ТЎҒРИДА

АНТАРКТИКАДА КИЛИЧ БАЛИК

Австралия олимларининг омади келди. Улар Антарктиканинг абадий музлигида 20 килограммлик килич балиқ топиб олишди. Балиқ ҳалок бўлганидан буён қариб 100 минг йил ўтган бўлишига қарамай, у жуда яхши сакланиб қолган. Бу ноёб топилма кўпгина мамлакатларнинг олимларида катта қизиқиш туғдирди.

КЕНГУРУЛАРГА ҚУРИҚХОНА

Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс вилоятида дунёда биринчи бўлиб кенгурулар учун қуриқхона — фермалар ташкил этилди. 830 гектар майдонни эгаллаган бу қуриқхонада кенгурулар эркин ўсиб, кўпаяверади.

ПОЧТАЛЬОН ТУЯҚУШ

Ботсвонанинг Чачва билан Кучва қишлоқлари орасида телефон алоқаси йўқ, автобус ҳам юрмайди. 20 километрли масофага пиёда қатнаш эса осон эмас. Лекин бу қишлоқларнинг аҳолиси мушкулдан қутилиш йўлини топишди. Улар туяқушни ўргатишиб, хат ташийдиган қилишди. Айтишларича, туяқушга қатто пулни ҳам ишониб топширишмоқда. Чунки унинг ҳалоллигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

ДАҲШАТЛИ КИНОТЕАТР

Парижда «Стинс» деган янги кинотеатр очилди. Унда фақат қўрқинчли фильмларгина намойиш қилинади. Кинотеатр хизматчилари жин-ажиналар кийимида юришади. эшикларни эса скелет-автомат очади. Кинотеатрнинг буфетидаги конфет ва лимонадларга ҳам «заҳар!» деб ёзилган.

УЧ ЯШАР ЧОЛ

Бирмадан жануброқда, Ҳинд океанида жойлашган Мергуи архипелагининг аҳолиси ҳеч-қайсиб ўрнига йилдан-йилга яшариб бормоқда. Гап шундаки, янги чақалоқка туғилган нуқдан 60 ёш беришади. Кейин у ҳар йили бир ёшдан кичрайиб бораверади. Ниҳоят у икки-уч ёшга етганда набирали чол бўлиб қолади. Ноль ёшга етган одам эса жамоанинг энг ҳурматли аъзоси ҳисобланади. Кейин чолга яна 10 ёш қўшиб беришади. Бу ҳам тамом бўлса, яна 10 ёш қўшилади. Шундай қилиб бундай чолни, икки марта ёши уч марта тўғилган фалончи, деб аташади.

Редактор ўринбосари
Х. ЁДГОРОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.30 — ТОШКЕНТ, 9.35 — Қувноқ пионер ёзи, 10.05 — Мультфильм, 10.15 — Грузин куйларидан концерт, 10.55 — МОСКВА. 11.00 — Янгиликлар, 11.05 — Мультфильм, 11.25 — Рангли телевидение кўрсатувлари, 13.45 — Эртакка саёҳат, 14.15— **Ҳайвонот оламида,** 16.55 — ТОШКЕНТ. 17.00 — «Она-Ватан», 18.00 — Ахборот, 18.15 — Ҳужжатли фильм, 19.05 Интернационал дўстлик клуби. 19.45— Ахборот. 20.00 — **Футбол** бўйича СССР кубоги учун финал ўйин «СПАРТАК» (Москва) — ЦСКА.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.00— ТОШКЕНТ. **Насриддин Ҳужанда** (бадиий фильм), 15.25 МОСКВА. **Капитан Грант болалари** (бадиий фильм), 16.50 — Тележурнал, 17.40 — Концерт, 18.40 — Бадиий фильм, 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.30 — Ўзбекистон курортлари, 20.50 — Концерт. 21.30— **Уруш ва тинчлик** (бадиий фильмнинг 4-серияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.10 —ДУШАНБА КЎРСАТАДИ.

РАДИО БУГУН

6.15 — Тонгги концерт, 7.40 — Ўлка ҳақида қўшиқлар, 8.25 — Халқ талантлари концерти, 9.30— Партия ҳақида қўшиқлар, 10.30 — Х. Болтаев куйлайди, 11.15 — «Гулшан» радиожурнали, 12.15 — — Радио эшитувчиларнинг талабларга мувофиқ концерт. 13.30 — Хатларингизни ўқиб (концерт), 15.10 — «Правда» газетасининг обзори. 15.20 — «Фан ва турмуш» радиожурнали, 16.10 — Ўзбекистон санъат усталарининг концерти, 17.20 — Уйғур куйлари, 17.50 — Идеологик ва ҳаёт, 18.00 — Чўқиқўварлар учун концерт. 18.40 — Спорт эшиттириши, 19.20 —Шу куннинг қўшиқлари, 20.00 —Қардош Коммунистик партиялар ҳаётидан, 20.10 — Музикали эшиттириш, 21.00 — Радиожурнал, 21.30 — Кечки концерт, 22.15 — Шанба оқшомида (концерт), 23.10 — Лирик қўшиқлар, 24.00 — Музикали программа.

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/VIIда **Тошболта ошиқ.** 8/VIIда **Фарғона тонг отгунча,** 9/VII **Хотинимнинг эри** (эзги бино кеч 8 яримда).

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Резервдаги қаҳрамон — «ВОСТОК», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ХАМЗА» (кундуз ва кечқурун).

Бегунох бўлса, озод эт! —«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «СПУТНИК», «ДРУЖБА», «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Қизни изланг — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Сенга ўхшасин — «КЎКЧА» (кундуз ва кечқурун).

Олтин ўқ — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (тоқ соатларда, кундуз ва кечқурун).

Яшасин севги! — (кундуз соат 12, кеч 6 да), **Каноник Долос саргузаштлари** — (кундуз соат 3, кеч 8 яримда). — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»

ЭЗГИ БИНОДА

Майерлинг — «РАКЕТА».

Том Жонс — ТЕЛЬМАН номли.

Бегунох бўлса, озод эт! — «ХИВА».

Мозандарон шери — НАВОИЙ номли.

В. Д. ЖУРИН НОМЛИ МЕҲНАТ ҚИЗИЛ БАЙРОҚ ОРДЕНЛИ ЎРТА ОСИЕ ИРРИГАЦИЯ ИЛМИЙ-ТЕКШИРИШ ИНСТИТУТИ — (САНИИРИ)

ВАКАНТ ВАЗИФАЛАРГА

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

бўлим мудирлари: гидромелиоратив системасининг ишқалин механикаси ва автоматлаштириш, суғориш техникаси, суғориладиган жойларнинг сув баланси, сув хўжалиги иқтисоди, илмий ташкил қилиш, илмий техникаси;

лаборатория мудирлари: мелиорация жараёнларини физик-математик моделлаштириш ва дренаж, сув ҳавзалари, суғориш тармоқлари ускуналари, фильтрлаш, ғўлқин жараёни ва сув омбори ускуналари, мелиорация машиналарининг ишлаш органларини текшириш, сув чиқарадиган машиналарни эксплуатация қилиш

сектор мудирлари: мелиоратив-гидрогеология, сувдан фойдаланиш ва сув таксимоти, гидромелиорация тармоқларини қайтадан қуриш ва реконструкциялаш, дренаж ишлари.

Конкурсда фан доктори ёки кандидати илмий даражаси бўлган, шунингдек юқори малакали мутахассислар, олий маълумотли, катта ишлаб чиқариш тажрибасига, илмий иш ва кашфиётга эга шахслар қатнашиши мумкин.

Конкурсдан ўтган, четдан келган мутахассислар турар-жой билан таъминланади.

Конкурс муддати — 3 сентябрга.

Ҳужжатлар: Тошкент шаҳри Я. Колас кўчаси, 24-уйга юборилсин.

«ЎЗАВТОРЕМОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ АВТОМОБИЛЬ РЕМОНТИ ЗАВОДЛАРИ

ҳамма ташкилотлар, идоралар, колхоз ва совхозлардан автомобилларни капитал ремонт қилиш учун чекланмаган миқдорда

ЗАЯВКАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Урал-355М, ГАЗ-53Ф — Самарқанд шаҳар, Горький бульвари, 17-уй (3-авторемзавод);

МАЗ-200, 205 — Олмалиқ шаҳри, Октябрь майдони, 22-уй (4-авторемзавод);

ММЗ-555, КАЗ 606, ЗИЛ-164 ва 585 — Андижон область, Ленинск шаҳар, Крупская кўчаси, 57 уй (6-авторемзавод).

ГАЗ-51, 93 — Тошкент шаҳри, Дадабоев кўчаси, 54-уй (10-авторемзавод);

ГАЗ-51 — Хоразм область, Хива шаҳри (13 авторемзавод);

КАЗ-608— Тошкент шаҳри, Қўйлиқ посёлкаси, Транспортная кўчаси 53-уй (ПЦТО-1);

УРАЛ-355М — Нукус шаҳри, Ленин проспекти, 57 уй (ПЦТО-16).

ИРРИГАЦИОН АСБОБСОЗЛИК ЗАВОДИГА

металл конструкцияси бўйича тонарлар, слесарлар, ҳамма разрядли электр пайвандчилар, 1-4 разрядли рандаловчилар

КЕРАК

Оилаларларга турар-жой берилади

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Ўрта Чирчиқ райони, Бектемир посёлкаси, Навоий кўчаси 27-уй, (вокзалдан 102 автобус қатнайди, хизмат машиналари: Чилонзор массиви 21-квартал, Луначарское шоссеси, Революция ҳиёбони, Қўйлиқдан жўнайди).

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

9 август, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

17.25 — МОСКВА, 17.30 — «Пионерия», 17.55 — Чорвачилик истиқболлари, 18.15 — Концерт, 19.00 — ТОШКЕНТ, 19.05 — Ахборот, 19.15 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. **Ўзбек тилида: 19.35** — Ахборот, 19.50— **Дилбарим** (бадиий фильм), 21.00— Ўзбекистон чорвадорлари, 21.30— **Биринчи муҳаббат** (спектакль).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ, 18.00 Кинофильм, 18.25 — Рассомлар —халқ учун, 19.00 — МОСКВА, 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — Концерт, 21.15 — **Борис Годунов** (телеспектакль).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

10 август, Сешанба.

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА, 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 13.45 — **Икки капитан** (бадиий фильм), 19.00—ТОШКЕНТ. 19.05 — Кинофильм, 19.25—Ахборот, 19.45 — Беш йиллик республика бўйлаб кезади. **Ўзбек тилида:** 20.10 — Ахборот, 20.25 — Халқ ижоди ижоди. **«Гўрўғли ва Бозиргон»** (1-қисм), 21.15—Қардош халқлар адабиёти. **Микола БАЖАН,** 21.40 — Чорвачилик — манфаатдорлик, 22.05 — Телефильм, 23.05 — Халқ ижоди ижоди. **«Гўрўғли ва Бозиргон»** (2-қисм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.50 — ТОШКЕНТ, 17.55 — **Паровоз йўли** (телефильм), 19.00 — МОСКВА. Концерт, 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — **БЕВА** (спектакль).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. **Ажал чангалида** (бадиий фильм). 21.25 — Ҳужжатли фильм, 21.55 —Фильм-концерт.

11 август, чоршанба.

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 13.40 — Бадиий фильм, 14.15 — Қишлоқлардан дарслар, 15.05 — Концерт, 15.35 — Янгиликлар, 17.55 — Тошкент. 18.00— Мультфильм, 18.10 — Ахборот. Ўзбек тилида: 18.20 — «Юлдузча», 18.55 — Миллионлар лениника университети. 19.10 — Халқ талантлари, **Расулжон УРАИМЖОНОВ,** 19.40 — Ахборот, 20.10 — МОСКВА. Кинопанорама, 21.40 — **Форсайт ҳақида қисса** (телефильмнинг 23-серияси), 22.45 — Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати, 23.30 — **Футбол:** ПОЛЬША — СССР.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.30 — МОСКВА, 17.35 — Қуёш нури ҳикоя қилади. **18.00** — Телеочерк, 18.30 — Лирик концерт, 19.00 — Ҳужжатли фильм, 19.30 — Концерт, 20.10 — ТОШКЕНТ. Истиқбол эгалари, 20.50 — **Ярим аср йилномаси** (телефильм), 21.50 — **Рена ҒОЛИБОВА** куйлайди, 22.35 — **Ярим тунда порлаш** (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. **Бехуда ўтган умр** (телефильм), 20.30 — Врач маслаҳати, 20.50 — Фильм-концерт.

12 август, пайшанба.

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — Ўқувчилар учун кўрсатув, 13.40 —**Хавфли рейс** (бадиий фильм), 17.35—Мультфильм, 19.00 — ТОШКЕНТ 19.05 — Ахборот, 19.20 — Автоматика — инсон хизматида. **Ўзбек тилида:** 19.35 — Шеърият муҳлисларига **Охунжон ҲАКИМОВ,** 19.50 —Ахборот, 20.05 — Концерт, 20.40— Рангли программа, 21.00— МОСКВА. **Форсайт ҳақида қисса** (телефильмнинг 24—25 сериялари), 22.40 — ТОШКЕНТ. Республикамиз зарбдор қурилишларида, 23.00 — **Вертиналь** (бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55 — ТОШКЕНТ. 18.20 — Инсон ва қонун 19.00 — МОСКВА, Концерт, 20.05 — Янгиликлар, 20.15 — Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати. 21.00 — ТОШКЕНТ. «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» журнали саҳифаларида. 21.20 — **Лайло ШАРИПОВА** куйлайди. 21.55 — «Мардлик—маҳорат».

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00—ТОШКЕНТ. **Саян этакларида** (телефильм), 20.15 — Врач маслаҳати. 20.35 — **Алешканинг севгиси** (бадиий фильм), 22.00 — Цирк томошалари.

13 август, Жума

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 — МОСКВА. 13.05 — Янгиликлар, 13.15 — **«Буратино кўргазмаси»,** 13.40 — Бадиий фильм, 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.05— Ахборот. **Ўзбек тилида:** 19.20 — **Оламга саёҳат,** 20.20 — Ахборот, 20.35 — Терим машиналари мавсумга шай бўлсин! 21.05 — МОСКВА. **Форсайт ҳақида қисса** (телефильмнинг 26 серияси). 22.00— ТОШКЕНТ. 22.45 — **Шотурсун ҒУЛОМОВНИНГ** адабий портрети.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

17.55— ТОШКЕНТ. 18.00 — **Бухоро** (телефильм), 18.40— Фанга бағишланган ҳаёт, 19.00 МОСКВА, «Чарм тўп» клуби мукофоти учун. 20.30 — Концерт. 21.00 — Янгиликлар. 21.05 — ТОШКЕНТ. **Тилла тиш** (бадиий фильм), 22.45 — МОСКВА.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

20.00 — ТОШКЕНТ. Музикали кўрсатув, 20.40 — Тўққизда — 02, 21.10 — Ҳужжатли фильм, 21.40 — **Ҳеч ким ўлишни истамасди** (бадиий фильм).

14 август, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Қўғирчоқ фильм 10.20 — **Телеминиатюралар** 10.55 — МОСКВА. 16.55 — ТОШКЕНТ, 17.00 — Ахборот. **Ўзбек тилида:** 17.10 — Қувноқ пионер ёзи, 17.40 — Мультфильм, 18.00 — Бугун — Бутуниттифоқ физкультурачилар куни, 19.00 — Ахборот, 19.15 — Эстрада концерти, 20.00 — МОСКВА. **Футбол:** ЦСКА — «ДИНАМО» «Москва), 21.45 — Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати 01.10— **футбол:** ДИНАМО (Киев) «СПАРТАК» (Москва).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

11.30 — ТОШКЕНТ. **Улмас гарнизон** (бадиий фильм), 15.20 — МОСКВА. 17.05 — Шоир Анатолий Сафронов студиямиз меҳмони 17.35 — Оқшом тароналари, 18.20 — **Марися ва Напалеон** (бадиий фильм), 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.50 — Цирк томошалари, 21.50—Халқ ҳофизлари концерти, 22.10 — ВИРИНЕЯ (бадиий фильм).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

15 АВГУСТ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.20 — ТОШКЕНТ, 9.25 — **Полвон ва қизиқчи** (бадиий фильм), 10.55 — МОСКВА, 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — «Юлдузча», 18.30— Ахборот. **Ўзбек тилида:** 18.50 — Франция хотиралари. 19.40 — Телеочерк. 19.50 — Бадиий фильм, 20.20 — Дала ишлари кундалиги, 21.40 — Ахборот, 22.00 — Телеминиатюралар, 22.40 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар **Ҳайдар ЯҲЕЕВ.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

16.30 — МОСКВА. Санъат оламида, **17.00** — Совет Армияси флоти жангчилари учун кўрсатув, 17.45 — Кичик концерт. 18.00 — Халқаро панорама, 18.30 — **Киносаёҳатчилар клуби,** 19.30 — Енгил атлетика бўйича Европа чемпионати, 21.50 — **Келин ва куёв** (бадиий фильм), 23.10 — Қўшиқ — ҳамроҳимиз.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

19.35 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси №28. Редактор —336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 330683. Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283. Партия турмуши — 333469, 337221. Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331456. Халқаро ҳаёт — 337221. Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780. Совет қурилиши — 333253. Қишлоқ хўжалиги — 337604. Адабиёт ва санъат —332036, 331216. Фан, маданият ва оғиз ўқув юртлари — 334451. Маҳаллий ахборот ва спорт — 331424. Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553. Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337243. Корректура—337162. Эълонлар—338142. Коммутатор—330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро — 3—31—42, Қарши — 38—42, Нукус — 42—63, Самарқанд — 31—972, Термиз— 54—01, Урганч — 34—55, Фарғона — 4-29-44, Гулистон — 22-09.

А. — 180. Узбекистон Компартияси Марказий Комитеси нашриёт-матбаа бирлашмаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС — 64697. Р. 04309.